

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИМЧАЛАРИГА ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ХАМДА
ОЗИҚ-ОВҚАТ ҚЎШИМЧАЛАРИНИ ТАМҒАЛАШГА ДОИР САНИТАРИЯ
ҚОИДАЛАРИ, НОРМАЛАРИ ВА ГИГИЕНА НОРМАТИВЛАРИНИ (0098-25-СОН
САНҚВАН) ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 8 августда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 366]**

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги **Қонуни**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 апрелдаги ПФ-67-сон «Ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги **Фармони** ва 2025 йил 8 апрелдаги ПҚ-136-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда қайта ишлаш занжирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги **қарорига** мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси қарор қилади:

1. Озиқ-овқат қўшимчаларига ва улардан фойдаланишга ҳамда озиқ-овқат қўшимчаларини тамғалашга доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0098-25-сон СанҚваН) **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан 2015 йил 23 сентябрда тасдиқланган Озиқ-овқат қўшимчаларини ишлаб чиқариш, муомаласи ва тартибга солишга қўйиладиган гигиеник талаблар 0296-15-сон СанҚваН ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

Раис Б. ЮСУПАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 9 июль,
18-сон

Келишилди:

Қишлоқ хўжалиги вазири И. АБДУРАХМОНОВ

2025 йил 4 июль

**Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил ўринбосари Ж. УРУНОВ**

2025 йил 23 май

Савдо-саноат палатаси раиси Д. ВАХАБОВ

2025 йил 21 май

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг 2025 йил 9 июлдаги 18-сон **қарорига**
ИЛОВА

Озиқ-овқат қўшимчаларига ва улардан фойдаланишга ҳамда озиқ-овқат қўшимчаларини тамғалашга доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0098-25-сон СанҚваН)

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (бундан буён матнда санитария қоидалари деб юритилади) озиқ-овқат қўшимчаларига ва улардан фойдаланишга ҳамда озиқ-овқат қўшимчаларини тамғалашга доир санитария-гигиена талабларини белгилайди.

Ушбу санитария қоидалари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди ва улар озиқ-овқат қўшимчалари сифатида таснифланмайди:

таркибида моносахарид, дисахарид ва олигосахаридлар бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек таркибида ушбу сахаридлар бўлган ширин таъм бериш учун фойдаланиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари;

қуритилган, концентрациялашган озиқ-овқат маҳсулотлари;

кўп компонентли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда уларнинг хушбўйлиги, таъм ёки озуқавий хусусиятлари ва иккиламчи бўяш таъсири туфайли қўшилган таъм ва хушбўй хид берувчи қўшимчалар;

озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган, истеъмол қилинмайдиган қоплама материаллар сифатида фойдаланиладиган воситалар;

турли хил мевалар ва уларнинг аралашмаларидан суюлтирилган кислоталар таъсир эттириш ҳамда натрий ва калий тузлари ёрдамида қисман нейтраллаш йўли билан олинган пектинни ўз ичига олган озиқ-овқат маҳсулотлари (суюқ пектин);

сақичлар учун асос бўлувчи моддалар;

термик ишлов берилган оқ ва сариқ декстрин, қовурилган ёки декстрланган крахмал, кислота ёки ишқор билан ишлов бериш йўли билан ўзгартирилган крахмал, оқартирилган крахмал, физик модификацияланган крахмал ва амилолитик ферментлар билан ишлов берилган крахмал;

озиқ-овқат маҳсулотларида технологик функцияларни бажармайдиган аммоний хлорид, аминокислоталар ва уларнинг тузлари, бундан глутамин кислотаси, глицин, систеин, систин ва уларнинг тузлари мустасно;

казеинат, казеин, инулин;

қон плазмаси, озиқ-овқат желатини, оксил гидролизатлари ва тузлари, сут оксили ва глютен;

қайта ишланадиган маҳсулотлар учун ёрдамчи материаллар;

ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари сифатида фойдаланиладиган моддалар;

ичимлик сувини тозалашда қўлланиладиган моддалар.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу санитария қоидаларида қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

озиқ-овқат қўшимчаси — мустақил равишда истеъмол қилинмайдиган ва озиқ-овқат маҳсулотининг ўзига хос таркибий қисми сифатида фойдаланилмайдиган, уларнинг озуқавий қийматидан қатъи назар, озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилишда қўшиладиган ҳамда бевосита ёки билвосита озиқ-овқат маҳсулотининг таркибий қисмига айланувчи модда ёки аралашма;

ширин таъм бергичлар — шакар ўрнини босувчи воситалар;

ароматизаторлар — озиқ-овқат маҳсулотларига хушбўй хид бериш, уларнинг таъмини ўзгартириш ёки кучайтириш учун қўшиладиган хушбўйлантитувчи моддалар, бундан таъмини кучайтирувчи моддаларнинг функционал синфига киритилган озиқ-овқат қўшимчалари мустасно;

синтетик ароматизаторлар — кимёвий синтез натижасида олинган хушбўй хид бергичлар;

табиий ароматизаторлар — ўсимлик ёки ҳайвонлардан олинадиган материаллардан физик, микробиологик, дистилляция, экстракция ва ферментация усуллари билан олинган хушбўй ҳид бергичлар;

функционал синф — озиқ-овқат қўшимчаларининг озиқ-овқат маҳсулотида бажарадиган технологик вазифасига кўра тоифаси;

паст калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари — озиқ-овқат маҳсулотининг энергетик қиймати (калориялилиги) камида 30 фоизга камайтирилган маҳсулотлар;

суткалик истеъмол нормаси — инсон саломатлиги учун хавф туғдирмасдан ҳар кун истеъмол қилиниши мумкин бўлган, тана вазнининг килограммига ҳисобланган озиқ-овқат қўшимчаси миқдори;

етарли миқдор (*quantum satis*) тамойили — озиқ-овқат қўшимчасини озиқ-овқат маҳсулотига ўз функциясини бажариши учун зарур бўлган энг кам миқдорда, истеъмолчига салбий таъсир кўрсатмайдиган даражада қўллашга рухсат этилган миқдор;

рухсат этилган максимал даража (бундан буён матнда РЕМД деб юритилади) — озиқ-овқат маҳсулотига озиқ-овқат қўшимчасининг функционал жиҳатдан энг самарали ва истеъмол учун хавфсиз бўлган энг юқори миқдори;

ўтиш тамойили — озиқ-овқат қўшимчалари озиқ-овқат маҳсулотига бевосита қўшилмаган, балки бошқа компонентлар орқали технологик йўл билан ўтиш принципи.

2. Озиқ-овқат қўшимчаларининг рўйхати мазкур санитария қоидаларининг 1-иловасида назарда тутилган.

2-боб. Озиқ-овқат қўшимчаларига ва улардан фойдаланишга доир санитария-гигиена талаблари

3. Озиқ-овқат қўшимчалари истеъмолчиларнинг саломатлигига хавф туғдирмаслиги, фойдаланиш даражаси ва шартларига риоя қилиниши, озиқ-овқат маҳсулотларида қўлланилиши учун яроқли ҳамда идентификация қилиниши лозим.

4. Озиқ-овқат қўшимчалари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда қўлланилиши лозим:

озиқ-овқат маҳсулотлари озуқавий хусусиятларини сақлаб қолиши;

алоҳида парҳез эҳтиёжлари бўлган истеъмолчилар учун ишлаб чиқариладиган зарур ингредиентлар ёки компонентлар бўлишини таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотининг табиати, таркиби ёки сифатини ўзгартирмаган ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотининг яроқлилик муддати, барқарорлиги ва органолептик хоссаларини яхшилаши.

5. Озиқ-овқат қўшимчасида сифатсиз хомашё қўлланилишига йўл қўйилмайди.

6. Озиқ-овқат маҳсулотига озуқавий қийматини пасайтирадиган озиқ-овқат қўшимчасидан фойдаланишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

озиқ-овқат маҳсулоти кунлик овқатланиш рационининг зарур таркибий қисми бўлмаса;

озиқ-овқат қўшимчаси парҳезга эҳтиёжи бўлган истеъмолчилар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланилса.

7. Озиқ-овқат қўшимчаларини стерилизация қилиш учун этилен оксидидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

8. Озиқ-овқат қўшимчалари ва аралашмаларида этилен оксиди миқдори 0,1 мг/кг дан ошмаслиги зарур.

9. Озиқ-овқат қўшимчаларидан фойдаланиш даражаси энг паст қийматда белгиланиши лозим.

10. Озиқ-овқат қўшимчаларидан фойдаланиш даражаларини белгилашда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

озиқ-овқат қўшимчасининг озиқ-овқат маҳсулотларида суткалик истеъмол қилиш нормаси;

озиқ-овқат қўшимчаси учун белгиланган эквивалент баҳоси, яъни озиқ-овқат қўшимчаларидан фойдаланишнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги;

озик-овқат қўшимчасининг бошқа маҳсулотлардан ўтиш тамойилига асосан эҳтимолий суткалик истеъмоли;

алоҳида парҳезга эҳтиёжи бўлган истеъмолчилар учун озик-овқат қўшимчасининг рухсат этиладиган суткалик истеъмол нормаси.

11. Озик-овқат қўшимчаларидан фойдаланиш шартлари мазкур санитария қоидаларининг **2-иловасига** мувофиқ бўлиши лозим.

12. Озик-овқат маҳсулотларининг тоифалари ушбу санитария қоидаларининг **3-иловасига** мувофиқ бўлиши лозим.

13. Озик-овқат қўшимчасининг умумий тоифада қўлланилишига йўл қўйилган бўлса, унинг барча кичик тоифаларида ва алоҳида турларида ҳам қўлланилишига йўл қўйилади.

14. Озик-овқат қўшимчасидан фойдаланишнинг максимал даражаси кўрсатилмаган бўлса, уни етарли миқдор (куантум сатис) тамойилига мувофиқ қўлланилади.

15. Қайта тиклашни талаб қиладиган куруқ ва концентрланган озик-овқат маҳсулотлари учун озик-овқат қўшимчаларининг энг юқори миқдори, озик-овқат маҳсулотининг дастлабки ҳолатидаги озик-овқат қўшимчаларининг энг кам суюлтириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига мувофиқ белгиланади.

16. Озик-овқат маҳсулотларига қўшиладиган озик-овқат қўшимчасидан фойдаланишнинг максимал даражаси ушбу маҳсулотга керакли миқдордан келиб чиқиб белгиланиши зарур.

17. Бўёвчи моддалардан фойдаланишнинг максимал даражаси бўёвчи восита таркибидаги бўёвчи модда миқдорига нисбатан қўлланилади.

18. Озик-овқат қўшимчалари мазкур санитария қоидаларининг **3-иловасида** келтирилган озик-овқат маҳсулотлари тоифалари бўйича қўлланилиши лозим.

19. Қуйидаги озик-овқат маҳсулотлари тоифаларига озик-овқат қўшимчаларини қўшишга йўл қўйилмайди:

қайта ишланмаган озик-овқат маҳсулотлари;

гўдақлар ва кичик ёшдаги болаларга мослаштирилган қўшимча озик-овқат маҳсулотлари (сутли аралашмалар).

20. Мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасида** келтирилган бўёқлардан қуйидаги мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланилиши лозим:

озик-овқат маҳсулоти рангига ишлов бериш, сақлаш, қадоқлаш ва тарқатиш натижасида визуал кўриниши ўзгарган озик-овқат маҳсулотларининг дастлабки ташқи кўринишини тиклаш;

озик-овқат маҳсулотига кўриниш жиҳатидан янада ёқимли (чиройли, жозибали) кўриниш бериш;

озик-овқат маҳсулотига ранг бериш.

21. Мазкур санитария қоидаларининг **4-иловасида** келтирилган озик-овқат қўшимчаларининг функционал синфлари қуйидаги мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланилиши лозим:

паст энергетик қийматга (калорияга) эга бўлган, шакар қўшилмаган, кариесга олиб келмайдиган озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун;

озик-овқат маҳсулотларини сақлаш муддатини ошириш учун;

махсус тиббий озик-овқатлар учун.

3-боб. Озик-овқат маҳсулотларига бошқа манбалардан озик-овқат қўшимчаларининг ўтишига доир санитария-гигиена талаблари

22. Озик-овқат қўшимчасининг озик-овқат маҳсулотига хомашё, таркибий қисмлар ва бошқа озик-овқат қўшимчаси, ферменти ва ароматизаторлардан ўтиш тамойилига асосан ўтишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

кўп таркибли озик-овқат маҳсулотини ишлаб чиқаришда;

кўп таркибли озик-овқат маҳсулотларининг таркибий қисмларининг бирида рухсат этилган бўлса;

озик-овқат қўшимчаси, ферменти ва ароматизаторларининг бир қисми сифатида рухсат этилган бўлса.

23. Озик-овқат маҳсулотларига бошқа манбалардан озик-овқат қўшимчаларининг ўтиш тамойилини қўллашда қуйидаги шартлар таъминланиши лозим:

хомашё ёки бошқа таркибий қисмлардаги озик-овқат қўшимчасининг миқдори рухсат этилган энг юқори даражадан ошмаслиги;

озик-овқат қўшимчасининг ўтиш тамойилига асосан истеъмол учун тайёр озик-овқат маҳсулотига ўтиши рухсат этилган миқдордан кўп бўлмаслиги.

24. Озик-овқат қўшимчасининг озик-овқат маҳсулотига хомашё, таркибий қисмлар ва бошқа озик-овқат қўшимчаси, ферменти ва ароматизаторларидан ўтишига қуйидагиларда йўл қўйилмайди:

тайёр ишлов берилмаган озик-овқат маҳсулоти технологик функцияга эга бўлганда;

болалар учун мўлжалланган озик-овқат маҳсулотларида;

мазкур санитария қоидаларининг **5-иловасида** кўрсатилган ўтиш тамойили бўйича таркибида озик-овқат қўшимчалари бўлишига йўл қўйилмайдиган озик-овқат маҳсулотларида.

25. Озик-овқат ароматизаторлари, ферментлари ва қўшимчалари таркибидаги озик-овқат қўшимчаси озик-овқат маҳсулотига ўтиш тамойилига асосан ўтса, технологик функцияни бажарса ва қўллаш шартларига мувофиқ бўлса, ушбу маҳсулотни озик-овқат қўшимчаси сифатида фойдаланишга йўл қўйилади.

26. Ширинлаштирувчи моддаларни ишлатишга қуйидаги кўп таркибли озик-овқат маҳсулотининг таркибий қисмларидан бири мавжуд бўлганда йўл қўйилади:

шакар қўшилмаган кўп таркибли озик-овқат маҳсулотлари;

паст энергетик қийматга (калорияга) эга бўлган кўп таркибли озик-овқат маҳсулотлари;

паст калорияли пархезлар учун мўлжалланган кўп таркибли озик-овқат маҳсулотлари;

кариес пайдо бўлишига олиб келмайдиган кўп таркибли озик-овқат маҳсулотлари;

яроқлилиқ муддати узоқ бўлган кўп таркибли озик-овқат маҳсулотлари.

5-боб. Озик-овқат қўшимчаларини тамғалашга оид санитария-гигиена талаблари

27. Озик-овқат қўшимчаларининг муомаласига фақат тегишли тамға мавжуд бўлганда йўл қўйилади.

28. Озик-овқат қўшимчаларини ёрлик билан тамғалашда ушбу ёрлик осон кўринадиган, аниқ ўқиладиган ва ўчмайдиган бўлиши керак.

29. Озик-овқат қўшимчаларини тамғалашда озик-овқат қўшимчалари ҳақидаги маълумотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

нотўғри, чалғитувчи тарзда тасвирламаслиги, кўрсатилмаслиги;

расмлар ёки бошқа воситалар ёрдамида тавсифланмаслиги;

озик-овқат маҳсулотининг таркибий қисми ҳолатида келтирилиши ва ишора қилиниши.

30. Ароматизаторлар ва тегишли таъми такрорлайдиган ёки кўрсатилган таъмдан келиб чиқмаган ҳолда хушбўйлаштирувчи моддани таърифлаш учун «... таъми билан» атамасидан фойдаланишга йўл қўйилади.

31. Чакана савдо учун мўлжалланмаган озик-овқат қўшимчасига аралашма, таркибий қисмлар билан аралашган моддалар қўшилса, озик-овқат қўшимчаларини ёрлик билан тамғалашда ушбу ёрликда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

ҳар бир озик-овқат қўшимчасининг номи, индекс рақамини (Э-рақам) ўз ичига олган маҳсулотнинг савдо тавсифи;

озик-овқат қўшимчасини қўллаш тартиби тўғрисидаги аниқ кўрсатмалар;

«озик-овқат маҳсулотлари учун» ёки «озик-овқат маҳсулотларида чекланган ҳолда фойдаланиш» сўзлари;

махсус сақлаш шартлари;

ишлаб чиқариш партиясини идентификация қилувчи белги;

фойдаланиш бўйича кўрсатмалар;
ишлаб чиқариш, қадоқлаш, сотишни амалга оширувчи юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи;

озик-овқат маҳсулоти таркибидаги рухсат этилган максимал миқдор;
бир хил максимал даражалар ва тегишли таркибий қисмлар гуруҳининг фоизларда акс эттирилиши;

максимал даража рақам билан ёки «етарли миқдор (куантум сатис) тамойили» сўзлари билан ифодаланиши;

озик-овқат қўшимчасининг номинал (соф) миқдори;
энг кам ва якуний истеъмол муддати;
озик-овқат қўшимчаси таркибида аллергиялар билан боғлиқ моддалар;
таркибида озик-овқат қўшимчалари ва барча таркибий қисмларнинг умумий соф оғирликдаги фоизи камайиш тартибида рўйхати;
«чакана савдо учун эмас» сўзлари.

32. Хушбўй таъм берувчи моддалар аралашмаларининг ўрамида ҳар бир хушбўй хид берувчи модданинг номи кўрсатилиши шарт эмас.

33. Органолептик хусусиятлари, маҳсулотнинг келиб чиқиши ва манбасини кўрсатишда «ароматизатор», «табiiй ароматизаторлар» ва «синтетик ароматизаторлар» ва «чакана савдо учун эмас» сўзлари билан аниқлаштирилиши керак.

34. Истеъмол учун тайёр озик-овқат маҳсулотларини ва чакана савдо учун мўлжалланган озик-овқат қўшимчаларини тамғалашда улар қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

ҳар бир озик-овқат қўшимчасининг номи, индекс рақамини (Э-рақам) ўз ичига олган маҳсулот тавсифи;

«озик-овқат маҳсулотлари учун» ёки «озик-овқат маҳсулотларида чекланган ҳолда фойдаланиш» сўзлари.

35. Таркибида ширинлаштирувчи моддалар бўлса «... ширин таъм бергичлар асосида» ибораси қўлланилиши лозим.

36. Озик-овқат маҳсулотининг таркибида қуйидаги ширинлаштирувчи моддалар бўлганда ёрлик қуйидаги огоҳлантиришларни ўз ичига олиши керак:

полиоллар: «ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш сурғи таъсирига эга бўлиши мумкин»;

аспартам ва аспартам-ацесульфам тузлари: «таркибида фенилаланин манбаи мавжуд».

37. Озик-овқат маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланиш учун йўл қўйилмайдиган ширинлаштирувчи моддалар ёрлигида улардан хавфсиз фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

38. Озик-овқат маҳсулотларини тамғалашда ёрликда қўшимча маълумотлар кўрсатилиши лозим бўлган озик-овқат бўёқлари рўйхати ушбу санитария қоидаларининг [6-иловасида](#) назарда тутилган.

39. Озик-овқат қўшимчаси озик-овқат маҳсулотида қуйидаги ҳолатларда озик-овқат қўшимчаси сифатида эмас, балки таркибий қисм сифатида ёрликда кўрсатилиши лозим:

бошқа функцияни бажарса;

таркибий қисмнинг ўрнини босаётган бўлса;

витамин ва минерал модда шаклида бўлса.

40. Мазкур санитария қоидаларини ишлаб чиқувчилар рўйхати ушбу санитария қоидаларининг [7-иловасида](#) келтирилган.

Озик-овқат қўшимчаларига ва улардан фойдаланишга ҳамда озик-овқат қўшимчаларини тамғалашга доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена [нормативларига](#) (0098-25-сон СанҚваН)

1-ИЛОВА

Озик-овқат қўшимчаларининг РЎЙХАТИ

Рухсат этилган бўёқлар рўйхати

Е- рақам	Номи
Е 100	Куркумин
Е 101	Рибофлавинлар
Е 102	Тартразин
Е 104	Хинолинли сариқ
Е 110	Сариқ-шафак FCF/тўқ сариқ-сариқ S
Е 120	Кармин кислотаси, Кармин
Е 122	Азорубин, Кармуазин
Е 123	Амарант
Е 124	Ponso 4R, қизил кошенил А
Е 127	Эритрозин
Е 129	Қизил Аллура АС
Е 131	Патентли Мовий V
Е 132	Индигодин, Индигокармин
Е 133	Бриллиант кўки FCF
Е 140	Хлорофиллар ва хлорофиллинлар
Е 141	Хлорофиллар, хлорофиллинларнинг комплекслари
Е 142	Яшил С
Е 150a	Оддий шакарли колер I*
Е 150b	«Ишқор-сульфитли» технология йўли билан олинган шакарли колер II*
Е 150c	«Аммиакли» технология йўли билан олинган шакарли колер III*
Е 150d	«Аммиак-сульфитли» технология йўли билан олинган шакарли колер IV*
Е 151	Ялтироқ қора PN
Е 153	Ўсимлик углероди
Е 155	Браун ХТ
Е 160a	Каротинлар
Е 160b (ya)	Аннато биксин
Е 160b(ii)	Аннатто норбиксин
Е 160c	Қизил қалампир экстракти, капсантин, капсорубин.
Е 160d	Ликопин
Е 160e	Beta-апо-8-каротин (С 30)
Е 161b	Лютеин
Е 161 g	Кантаксантин **
Е 162	Лавлагирангли қизил, бетанин
Е 163	Антоциянлар

Е 170	Кальций карбонати
Е 171	Титан диоксиди ***
Е 172	Темир оксиди ва гидроксидлари
Е 173	Алюминий
Е 174	Кумуш
Е 175	Олтин
Е 180	Литолрубин ВК

Изоҳ:

* — «Шакарли колер» атамаси бўяш учун мўлжалланган тўқ жигарранг тусга яқин бўлган озиқ-овқат маҳсулотларига мансубдир. Бу атама шакарни қиздириш йўли билан олинадиган ва озиқ-овқат маҳсулотларини (масалан, қандолат маҳсулотлари, пишириклар, спиртли ичимликлар) хушбўйлаштириш учун ишлатиладиган шакарли маҳсулотларга нисбатан қўлланилмайди.

** — Кантаксантинни мазкур санитария қоидаларининг 2-иловасида келтирилган озиқ-овқат тоифаларида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Мазкур жадвалга киритилиш сабаби махсус тиббий озиқ-овқат маҳсулотларида қўлланилади.

*** — Титан диоксидини бошқа иловаларда санаб ўтилган озиқ-овқат тоифаларида фойдаланишга йўл қўйилмайди. Мазкур жадвалга киритилиш сабаби махсус тиббий озиқ-овқат маҳсулотларида қўлланилади.

2-жадвал

Рухсат этилган ширинлаштирувчилар рўйхати

Е- рақам	Номи
Е 420	Сорбитоллар
Е 421	Маннитол
Е 950	Атсесульфам К
Е 951	Аспартам
Е 952	Цикламатлар
Е 953	Изомалт
Е 954	Сахаринлар
Е 955	Сукралоза
Е 957	Тауматин
Е 959	Неогесперидин DC
Е 960a	Стевиадан олинган стевиолгликозидлар
Е 960c	Ферментлаш йўли билан олинган стевиолгликозидлар
Е 960d	Гликозирланган стевиолгликозидлар
Е 961	Неотам
Е 962	Аспартам-ацесульфамли туз
Е 964	Полиглицитол сиропи
Е 965	Малтитол
Е 966	Лактитол
Е 967	Ксилит
Е 968	Эритрит
Е 969	Адвантам

Рухсат этилган қўшимчалар рўйхати (бўёқлар ва ширинлаштиргичлар бундан мустасно)

Е- рақам	Номи
Е 170	Кальций карбонати
Е 172	Темир оксиди ва гидроксидлари
Е 200	Сорбин кислотаси
Е 202	Калий сорбати
Е 210	Бензой кислотаси *
Е 211	Натрий бензоати *
Е 212	Калий бензоати *
Е 213	Кальций бензоати *
Е 214	Этил п-гидроксибензоат
Е 215	Этил п-натрий гидроксibenзоат
Е 218	Метил п-гидроксибензоат
Е 219	Метил п-натрий гидроксibenзоат
Е 220	Олтингугурт диоксиди
Е 221	Натрий сульфити
Е 222	Натрий гидросульфити
Е 223	Натрий метабисульфити
Е 224	Калий метабисульфити
Е 226	Кальций сульфити
Е 227	Кальций гидросульфити
Е 228	Калий гидросульфити
Е 234	Низин
Е 235	Натамицин
Е 239	Гексаметилентетрамин
Е 242	Диметилдикарбонат
Е 243	Этиллауроил аргинат
Е 246	Гликолипидлар
Е 249	Калий нитрити
Е 250	Натрий нитрати
Е 251	Натрий нитрати
Е 252	Азот кислотали калий
Е 260	Сирка кислотаси
Е 261	Калий ацетатлари (4)
Е 262	Натрий ацетатлари
Е 263	Кальций ацетати
Е 267	Буфер сиркаси

E 270	Сут кислотаси
E 280	Пропион кислотаси
E 281	Натрий пропионати
E 282	Кальций пропионати
E 283	Калий пропионати
E 284	Борат кислотаси
E 285	Натрий тетраборати (бургага оид)
E 290	Карбонат ангидрид
E 296	Олма кислотаси
E 297	Фумар кислотаси
E 300	Аскорбин кислотаси
E 301	Натрий аскорбати
E 302	Кальций аскорбати
E 304	Аскорбин кислотанинг ёғ кислотали эфирлари
E 306	Токоферолга бой экстракт
E 307	Алфа-токоферол
E 308	Гамма-токоферол
E 309	Дельта-токоферол
E 310	Пропилгаллат
E 315	Эриторбин кислотаси
E 316	Натрий гидроксиди
E 319	Трет-бутилгидрохинон (TBHQ)
E 320	Бутилланган гидроксизанизол (BHA)
E 321	Бутилланган гидрокситолуол (BHT)
E 322	Лецитинлар
E 322a	Сули леситини
E 325	Натрий лактати
E 326	Калий лактати
E 327	Кальций лактати
E 330	Лимон кислотаси
E 331	Натрий ситратлари
E 332	Калий ситратлари
E 333	Кальций ситратлари
E 334	Вино кислотаси (L(+)-)
E 335	Натрий тартратлари
E 336	Калий тартратлари
E 337	Натрий-калий тартрати
E 338	Фосфор кислотаси
E 339	Натрий фосфатлари
E 340	Калий фосфатлари
E 341	Кальций фосфатлари
E 343	Магний фосфатлари

Е 350	Натрий малатлари
Е 351	Калий малати
Е 352	Кальций малатлари
Е 353	Метавин кислота
Е 354	Кальций тартрати
Е 355	Адипин кислотаси
Е 356	Натрий адипинати
Е 357	Калий адипинати
Е 363	Қаҳрабо кислотаси
Е 380	Триаммоний ситрати
Е 385	Кальций динатрий этилендиаминтетраацетати (Кальций динатрий EDTA)
Е 392	Розмарин экстрактлари
Е 400	Алгин кислотаси
Е 401	Натрий алгинати
Е 402	Калий алгинати
Е 403	Аммоний алгинати
Е 404	Кальций алгинати
Е 405	Пропан 1,2-диол алгинати
Е 406	Агар-агар
Е 407a	Қайта ишланган эвхема денгиз ўтлари
Е 407	Каррагинан
Е 410	Шохли дарахт елими
Е 412	Гуар елими
Е 413	Трагакант
Е 414	Гуммиарабик (Акация елими)
Е 415	Ксантан елими
Е 416	Карая елими
Е 417	Тара елими
Е 418	Геллан елими
Е 422	Глитсерин
Е 423	Октенилқаҳрабо кислотаси билан модификацияланган гуммиарабик
Е 425	Конжак
Е 426	Соя гемицеллюлозаси
Е 427	Кассия елими
Е 431	Полиоксиэтилен стеарат (40)
Е 432	Полиоксиэтилен сорбитан монолаурат (полисорбат 20)
Е 433	Полиоксиэтилен сорбитан моноолеат (полисорбат 80)
Е 434	Полиоксиэтилен сорбитан монопалмитат (полисорбат 40)
Е 435	Полиоксиэтилен сорбитан моностеарат (полисорбат 60)
Е 436	Полиоксиэтиленсорбитантристеарат (полисорбат 65)
Е 440	Пектинлар
Е 442	Аммоний фосфатидлари

Е 444	Сахароза ацетат изобутират
Е 445	Канифолнинг глицеринли эфирлари
Е 450	Дифосфатлар
Е 451	Трифосфатлар
Е 452	Полифосфатлар
Е 456	Калий полиаспартати
Е 459	Бета-циклодекстрин
Е 460	Селлюлоза
Е 461	Метилселлюлоза
Е 462	Этилселлюлоза
Е 463	Гидроксипропилселлюлоза
Е 463a	Паст даражада арлаштирилган гидроксипропилселлюлоза (L-HPC)
Е 464	Гидроксипропилметилселлюлоза
Е 465	Этилметилселлюлоза
Е 466	Натрий карбоксиметилселлюлоза, селлюлоза елими
Е 468	Тикилган натрий карбоксиметилселлюлоза, тикилган селлюлоза елими
Е 469	Ферментатив гидролизланган карбоксиметилселлюлоза, ферментатив гидролизланган селлюлоза елими
Е 470a	Ёғ кислоталарининг натрийли, калийли ва кальцийли тузлари
Е 470b	Ёғ кислоталарининг магнийли тузлари
Е 471	Ёғ кислоталарининг моно- ва диглицеридлари
Е 472a	Ёғ кислоталари моно- ва диглицеридларининг сирка кислотали эфирлари
Е 472b	Ёғ кислоталари моно- ва диглицеридларининг сут кислотали эфирлари
Е 472c	Ёғ кислоталари моно- ва диглицеридларининг лимон кислотали эфирлари
Е 472d	Ёғ кислоталари моно- ва диглицеридларининг вино кислотали эфирлари
Е 472e	Ёғ кислоталари моно- ва диглицеридлари вино кислотасининг моно- ва диацетил эфирлари
Е 472f	Ёғ кислоталари моно- ва диглицеридлари сирка ва вино кислоталарнинг аралаш эфирлари.
Е 473	Сахароза ва ёғ кислоталарининг эфирлари
Е 474	Шакар глицеридлари
Е 475	Ёғ кислоталарининг полиглицеринли эфирлари
Е 476	Полиглицерин полирицинолеат
Е 477	Ёғ кислоталарининг пропан-1,2-диолли эфирлари
Е 479b	Ёғ кислоталарининг моно- ва диглицеридлари билан ўзаро таъсир қилувчи термик оксидланган соя ёғи
Е 481	Натрий стеароил-2-лактлати
Е 482	Кальций стеароил-2-лактлати
Е 483	Стеарил тартрати
Е 491	Сорбитан моностеарати
Е 492	Сорбитан тристеарати
Е 493	Сорбитан монолаурат
Е 494	Сорбитан моноолеат

E 495	Сорбитан монопалмитат
E 499	Стигмастеринга бой ўсимлик стероллари
E 500	Натрий карбонати
E 501	Калий карбонати
E 503	Аммоний карбонати
E 504	Магний карбонатлари
E 507	Хлорид кислотаси
E 508	Калий хлориди
E 509	Кальций хлориди
E 511	Магний хлориди
E 512	Қалай хлориди
E 513	Сульфат кислота
E 514	Натрий сульфатлари
E 515	Калий сульфатлари
E 516	Кальций сульфати
E 517	Аммоний сульфати
E 520	Алюминий сульфати
E 521	Алюминий-натрий сульфати
E 522	Алюминий ва калий сульфати
E 523	Алюминий-аммоний сульфати
E 524	Натрий гидроксиди
E 525	Калий гидроксиди
E 526	Кальций гидроксиди
E 527	Аммоний гидроксиди
E 528	Магний гидроксиди
E 529	Кальций оксиди
E 530	Магний оксиди
E 534	Темир тартрати
E 535	Натрий ферроцияниди
E 536	Калий ферроцияниди
E 538	Кальций ферроцияниди
E 541	Натрий алюмофосфат кислотаси
E 551	Кремний диоксиди
E 552	Кальций силикат
E 553a	Магний силикат
E 553b	Талк
E 554	Натрий алюмосиликати
E 555	Калий алюмосиликати
E 556	Кальций алюмосиликати (²)
E 558	Бентонит (²)
E 559	Алюминий силикати (Каолин) (²)
E 570	Ёғ кислоталари

Е 574	Глюкон кислотаси
Е 575	Глюкон-дельта-лактон
Е 576	Натрий глюконати
Е 577	Калий глюконати
Е 578	Кальций глюконати
Е 579	Темир глюконати
Е 585	Темир лактати
Е 586	4-гексилресорсинол
Е 620	Глютамин кислотаси
Е 621	Натрий глютамати
Е 622	Монокалий глютамати
Е 623	Кальций диглютамати
Е 624	Моноаммоний глютамати
Е 625	Магний диглютамати
Е 626	Гуанил кислотаси
Е 627	Динатрий гуанилат
Е 628	Дикалий гуанилат
Е 629	Кальций гуанилати
Е 630	Инозин кислотаси
Е 631	Динатрий инозинати
Е 632	Дикалий инозинати
Е 633	Кальций инозинати
Е 634	Кальций 5-рибонуклеотидлар
Е 635	Динатрий 5-рибонуклеотидлар
Е 640	Глицин ва унинг натрийли тузи
Е 641	Л-лейцин
Е 650	Рух ацетати
Е 900	Диметилполисилоксан
Е 901	Асалари муми, оқ ва сарик
Е 902	анделилла муми
Е 903	Карнауба муми
Е 904	Шеллак
Е 905	Микрокристал мум
Е 907	Водородланган поли-1-децен
Е 914	Оксидланган полиэтилен муми
Е 920	Л-систеин
Е 927b	Карбамид
Е 938	Аргон
Е 939	Гелий
Е 941	Азот
Е 942	Азот оксиди
Е 943a	Бутан

Е 943b	Изобутан
Е 944	Пропан
Е 948	Кислород
Е 949	Водород
Е 999	Квиллая экстракти
Е 1103	Инвертаза
Е 1105	Лизоцим
Е 1200	Полидекстроза
Е 1201	Поливинилпирролидон
Е 1202	Поливинилполипирролидон
Е 1203	Поливинил спирти (PVA)
Е 1204	Пуллулан
Е 1205	Асосий метакрилат сополимери
Е 1206	Нейтрал метакрилат сополимери
Е 1207	Анионли метакрилат сополимери
Е 1208	Поливинилпирролидон ва винилацетат сополимери
Е 1209	Поливинил спирти ва полиэтиленгликолнинг <i>пайвандланган</i> сополимери
Е 1210	Карбомер
Е 1404	Оксидланган крахмал
Е 1410	Монокрахмалфосфат
Е 1412	Дувилдириғи (икра) (икра)хмалфосфат
Е 1413	Фосфатланган дувилдириғи (икра) (икра)хмал фосфат
Е 1414	Ацетилланган дувилдириғи (икра) (икра)хмалфосфат
Е 1420	Ацетилланган крахмал
Е 1422	Ацетилланган дувилдириғи (икра) (икра)хмадипат
Е 1440	Гидроксипропил крахмал
Е 1442	Гидроксипропилдувилдириғи (икра) (икра)хмалфосфат
Е 1450	Крахмалли натрий октенилсуксинати
Е 1451	Ацетилланган оксидланган крахмал
Е 1452	Крахмалли алюминий октенилсуксинати
Е 1505	Триэтилситрат
Е 1517	Глитсерилдиацетат (диацетин)
Е 1518	Глицерилтриацетат (триацетин)
Е 1519	Бензил спирти
Е 1520	Пропан-1,2-диол (пропиленгликол)
Е 1521	Полиэтиленгликол

Изоҳ:

* Бензой кислотаси тегишли ишлаб чиқариш амалиётига риоя қилинган ҳолда ферментация жараёни натижасида олинган айрим бижғиган маҳсулотларда табиий равишда мавжуд бўлиши мумкин.

Озиқ-овқат қўшимчаларига ва улардан фойдаланишга ҳамда озиқ-овқат қўшимчаларини тамғалашга доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена [нормативларига](#) (0098-25-сон СанҚваН)

2-ИЛОВА

Озиқ-овқат қўшимчаларидан фойдаланиш шартлари

1-жадвал

Е- рақам	Номи	Фойдаланиш шартлари
Е 100	Куркумин	1.7.5 Эритилган пишлоқ. Ароматизаторли эритилган пишлоқ учун РЕМД=100 мг/кг бўлиши лозим. Маълумот: Е 100, Е 102, Е 120, Е 122, Е 160е ва Е 161b қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. 2.1 Сув сақламайдиган ёғлар ва мойлар (сувсиз сут ёғи бундан мустасно). Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат мойлар учун қўлланилади (ёғсиз мой бундан мустасно). 4.2.2 Сирка, ёғ ёки тузли сувда консерваланган мева ва сабзавотлар. Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат қизил мевалардан тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар учун қўлланилади. Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат қизил мевалардан тайёрланган мураббо учун қўлланилади. 4.2.4.1 Мева ва сабзавот маҳсулотлари (компотлар бундан мустасно). Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат денгиз ўтлари асосида тайёрланган балиқ увилдириғи (икра) аналоглари учун қўлланилади. Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат қизил мевалардан тайёрланган мураббо учун қўлланилади. 4.2.5 Мураббо, желе, мармелад ва шунга ўхшаш маҳсулотлар. Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили мураббо, желе, мармелад ва шунга ўхшаш маҳсулотлар учун қўлланилади (каштан пюреси бундан мустасно). 4.2.5.3 Мева ёки сабзавот пасталари ва шунга ўхшаш маҳсулотлар. Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили мева ёки сабзавот пасталари ва шунга ўхшаш маҳсулотлар учун қўлланилади (қора олхўри таъмли крем бундан мустасно). 4.2.6 Қайта ишланган картошка маҳсулотлари. Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат қурилган картошка гранулалари ва бўлаклари учун қўлланилади. 8.2 Гўштли ярим тайёр маҳсулотлар. Гўштли ярим тайёр маҳсулот турлари фақат маргеза, фреска салсича, фреска бутифарра, фреска лонганиза ва фреска чоризо учун қўлланилади. 8.3.1 Иссиқлик билан ишлов берилмаган қайта ишланган гўшт. Колбасалар учун РЕМД=20 мг/кг бўлиши лозим.

		Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат иссиқлик билан ишлов берилмаган қайта ишланган гўшт тури пастурма учун қўлланилади. 8.3.2 Иссиқлик билан ишлов берилган қайта ишланган гўшт. Колбасалар, паштетлар ва терринлар учун РЕМД=20 мг/кг бўлиши лозим. 8.3.3 Гўшт ўраш учун ишлатилувчи истеъмол қилинувчи қобиқлар, қопламалар ва безаклар. Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат пастурманинг ташқи истеъмол қилинувчи қобиғи учун қўлланилади. 9.2 Қайта ишланган балиқ ва балиқ маҳсулотлари, шу жумладан қисқичбақасимонлар ва моллюскалар. Балиқ пастаси ва қисқичбақасимонлардан қилинган паста учун РЕМД=100. Маълумот: Е 100, Е 102, Е 120, Е 122, Е 142, Е 151, Е 160е, Е 161b қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. Олдиндан пиширилган қисқичбақасимонлар учун РЕМД=250. Маълумот: Е 100, 102, Е 120, Е 122, Е 129, Е 142, Е 151, Е 160е, Е 161b қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. Дудланган балиқ учун РЕМД=100; Маълумот: Е 100, Е 102, Е 120, Е 151, Е 160е қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. 14.2.7.1 Хушбўйлантирилган винолар. Американо, аччиқ вино турлари учун РЕМД=100 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: американо вино турида Е 100, Е 101, Е 102, Е 104, Е 120, Е 122, Е 123, Е 124 ва аччиқ вино турида Е 100, Е 101, Е 102, Е 104, Е 110, Е 120, Е 122, Е 123, Е 124, Е 129 қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. 14.2.7.2 Вино асосидаги хушбўйлантирилган ичимликлар. Аччиқ вино тури учун РЕМД=100 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: аччиқ вино турида Е 100, Е 101, Е 102, Е 104, Е 110, Е 120, Е 122, Е 123, Е 124, Е 129 қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.
Е 101	Рибофлавинлар	4.2.1 Қуритилган мева ва сабзавотлар. Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат қизил мевалардан тайёрланган мураббо учун қўлланилади 4.2.3 Консерваланган ёки идишларга солинган мева ва сабзавотлар. Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат қизил мевалардан тайёрланган мураббо учун қўлланилади 8.3.1 Иссиқлик билан ишлов берилмаган қайта ишланган гўшт. Етарли миқдор (куантум сатис) тамойили фақат иссиқлик билан ишлов берилмаган қайта ишланган гўшт пастурма учун қўлланилади. 8.3.3 Гўшт ўраш учун ишлатилувчи истеъмол қилинувчи қобиқлар, қопламалар ва безаклар.

		Етарли миқдор (қуантум сатис) тамойили фақат пастурманинг ташқи истеъмол қилинувчи қобиғи учун қўлланилади. 9.2 Қайта ишланган балиқ ва балиқ маҳсулотлари, шу жумладан қисқичбақасимонлар ва моллюскалар. Етарли миқдор (қуантум сатис) тамойили, фақат балиқ пастаси ва қисқичбақасимонлардан қилинган паста учун қўлланилади. Етарли миқдор (қуантум сатис) тамойили фақат олдиндан тайёрланган моллюскалар учун қўлланилади. Етарли миқдор (қуантум сатис) тамойили, фақат дудланган балиқ ва балиқ маҳсулотлари, шу жумладан қисқичбақасимонлар ва моллюскалар учун қўлланилади. 14.2.7.1 Хушбўйлантирилган винолар. Американо, аччиқ вино тури учун РЕМД=100 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: американо вино турида Е 100, Е 101, 102, Е 104, Е 120, Е 122, Е 123 Е 124 ва аччиқ вино турида Е 100, Е 101, Е 102, Е 104, Е 110, Е 120, Е 122, Е 123, Е 124, Е 129 қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. 14.2.7.2 Вино асосидаги хушбўйлантирилган ичимликлар. Газланган алкоғолсиз ичимликларда учун РЕМД=100 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: газланган алкоғолсиз ичимликларда Е 100, Е 101, Е 102, Е 104, Е 110, Е 120, Е 122, Е 123, Е 124, Е 129 қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.
Е 102	Тартразин	1.7.5 Эритилган пишлоқ. Таъм берувчи қўшимчали эритилган пишлоқ учун РЕМД=100 мг/кг бўлиши лозим. Маълумот: Е 100, Е 102, Е 120, Е 122, Е 160е ва Е 161b қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. 4.2.3 Концерваланган ёки идишларга солинган мева ва сабзавотлар. Ишлов берилган ясмиқ ва яшил нўхат (концерваланган) учун РЕМД=100 мг/кг бўлиши лозим. 9.2 Қайта ишланган балиқ ва балиқ маҳсулотлари, шу жумладан қисқичбақасимонлар ва моллюскалар. Балиқ пастаси ва қисқичбақасимонлардан қилинган паста учун РЕМД=100 мг/кг бўлиши лозим. Маълумот: Е 100, Е 102, Е 120, Е 122, Е 142, Е 151, Е 160е, Е 161b қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. Олдиндан пиширилган қисқичбақасимонлар учун РЕМД=20 мг/кг бўлиши лозим. Маълумот: Е 100, 102, Е 120, Е 122, Е 129, Е 142, Е 151, Е 160е, Е 161b қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. Дудланган балиқ учун РЕМД=100 мг/кг бўлиши лозим. Маълумот: Е 100, Е 102, Е 120, Е 151, Е 160е қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

		14.2.7.1 Хушбўйлантйрилган винолар. Американо, аччиқ вино тури учун РЕМД=100 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: американо вино турида Е 100, Е 101, 102, Е 104, Е 120, Е 122, Е 123 Е 124 ва аччиқ вино турида Е 100, Е 101, Е 102, Е 104, Е 110, Е 120, Е 122, Е 123, Е 124, Е 129 қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади. 14.2.7.2 Вино асосидаги хушбўйлантйрилган ичимликлар. Газланган алкоғолсиз вино асосидаги хушбўйлантйрилган ичимликларда учун РЕМД=100 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: газланган алкоғолсиз ичимликларда Е 100, Е 101, Е 102, Е 104, Е 110, Е 120, Е 122, Е 123, Е 124, Е 129 қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.
Е 104	Хинолин сарик	1.4 Хушбўйлантйрилган қатик маҳсулотлари, шу жумладан термик ишлов берилган маҳсулотлар. Хушбўйлантйрилган қатик маҳсулотлари, шу жумладан термик ишлов берилган маҳсулотлар учун РЕМД=10 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 қўшимчалари ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак. Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 15 мг/кг ни ташкил этиши лозим. 1.6.3 Бошқа турдаги қаймоқлар. Хушбўйлантйрилган қаймоқлар учун РЕМД=100 мг/кг бўлиши лозим.. Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак. 1.7.3 Пишлоқнинг истеъмол қилинадиган қаттиқ қопламаси. Пишлоқнинг истеъмол қилинадиган қаттиқ қопламаси учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.. Маълумот: Е 104 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал рухсат этилган миқдордан ошмаслиги керак. 4.2.4.1 Мева ва сабзавот маҳсулотлари (компотлар бундан мустасно). Мевали хантал (мостарда ди фрутта) учун РЕМД=30 мг/кг бўлиши лозим.. Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак. 5.4 Безаклар, шакар қиём ва тўлдирма (начинка). Безаклар, шакар қиём ва тўлдирма (начинка) қўшимчалари учун РЕМД=50 мг/кг бўлиши лозим.. Безаклар, қопламалар ва соуслар учун РЕМД=50 мг/кг (тўлдирмалар (начинка)дан бундан мустасно). Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 300 мг/кг ни ташкил этиши лозим.

5.2 Бошқа қандолат маҳсулотлари, шу жумладан нафасни мусаффо қилувчи майда конфетлар.

Шакарга босилган мева ва сабзавотлар учун РЕМД=30 мг/кг бўлиши лозим.

Ёнғоқ ёки какао асосидаги анъанавий шакар билан қопланган, бодом ёки шарсимон шаклдаги, узунлиги 2 см дан ортиқ бўлган, тўйлар, йиғилишлар ва бошқа тантаналарда тақдим этиладиган ширинликлар учун РЕМД=30 мг/кг (ёнғоқ (цукаты) ва сабзавотлар бундан мустасно).

Ёнғоқ ёки какао асосидаги анъанавий шакар билан қопланган, бодом ёки шарсимон шаклдаги, узунлиги 2 см дан ортиқ бўлган, тўйлар, йиғилишлар ва бошқа тантаналарда тақдим этиладиган ширинликлар учун РЕМД=300 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 70 мг/кг ни ташкил этиши лозим.

Бу қоидадан истисно тариқасида фақат майда ширинликлар учун максимал чегара 40 мг/кг бўлиши зарур.

5.3 Сақич.

Сақич учун РЕМД=30 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак. Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 300 мг/кг ни ташкил этиши лозим.

6.6 Қуритилган нон ушоқлари (панировка).

Қуритилган нон ушоқлари (панировка) учун РЕМД=50 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

8.3.3 Гўшт ўраш учун ишлатилувчи истеъмол қилинувчи қобиқлар, қопламалар ва безаклар.

Безак ва қобиқлар учун РЕМД=50 мг/кг (пастурманинг истеъмол қилинадиган ташқи қобиғи бундан мустасно).

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

Гўшт ўраш учун ишлатилувчи истеъмол қилинувчи қобиғи учун РЕМД=100 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал рухсат этилган миқдордан ошмаслиги керак; Е 120, кошенил, кармин кислотаси, карминлар учун алюминий сиёҳларидаги алюминийнинг рухсат этилган максимал миқдори — 10 мг/кг бўлиши лозим.

Бошқа ҳеч қандай алюминий сиёҳига рухсат этилмайди.

9.3 Баликлар увилдириғи (икра)

Баликлар увилдириғи (икра) учун РЕМД=200 мг/кг (осётр баликлари (авиар) увилдириғи (икра) бундан мустасно).

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

12.2.2 Зираворлар.

Зираворларнинг турлари карри кукуни, тандури учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал рухсат этилган миқдордан ошмаслиги керак.

Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 120 мг/кг ни ташкил этиши лозим.

12.4 Хантал.

Хантал учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

12.6 Соуслар.

Тузланган (маринадланган) сабзавотлардан тайёрланган соуслар, зираворлар, чутни ва пикули учун РЕМД=20 мг/кг (томат соуслари бун бундан мустасно).

Маълумот: Е 104 ва Е 110, шунингдек III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал рухсат этилган миқдордан ошмаслиги керак.

12.9 Оқсилли маҳсулотлар (1.8-тоифага киритилган маҳсулотлар бундан мустасно).

Ўсимлик оқсиллари асосидаги гўшт ва балиқ аналоглари учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

13.2 Махсус тиббий озиқ-овқат маҳсулотлари.

Махсус тиббий парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

13.3 Вазн назорат қилинувчи парҳез маҳсулотлари.

Вазн назорат қилинувчи парҳез маҳсулотлари учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

14.1.4 Хушбўйлаштирилган ичимликлар.

Хушбўйлаштирилган ичимликлар учун РЕМД=10 мг/л бўлиши лозим. (шоколадли сут ва солодди ўсимлик маҳсулотлари бундан мустасно).

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 15 мг/кг ни ташкил этиши лозим.

14.2.3 Олма, нок ёки беҳи шарбатини бижғитиш натижасида олинадиган кучсиз алкоғолли ёки алкоғолли ичимлик (Сидр ва перри).

Сидр ва перри учун РЕМД=25 мг/л бўлиши лозим. (олма, нок ёки беҳи шарбатини бижғитиш натижасида олинадиган кучсиз алкоғолли ёки алкоғолли ичимлик турлари буше сидри, музли сидр, музли перри бундан мустасно).

Маълумот: Е 104 ва Е 110, шунингдек III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал рухсат этилган миқдордан ошмаслиги керак.

14.2.4 Мевали винолар ва бошқа турдаги хомашёлардан тайёрланган винолар.

Мевали винолар ва бошқа турдаги хомашёлардан тайёрланган винолар учун РЕМД=20 мг/л бўлиши лозим..

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

14.2.6 Спиртли ичимликлар.

Мацерация ва дистиллаш орқали олинган алкоғол ва спиртли ичимликлар (мева номи кўрсатилган ҳолда) учун РЕМД=180 мг/л бўлиши лозим. (Спиртли ичимликлар турлари Geist (мева номи ёки ишлатилган хомашё кўрсатилган ҳолда), London gin, Sambuca, Maraskino, Marraskino ёки Maraschino ва Mистра бундан мустасно).

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

14.2.7.1 Хушбўйлантирилган винолар.

Хушбўйлантирилган вино американо, аччиқ вино учун РЕМД=50 мг/л бўлиши лозим.

Маълумот: американода Е 100, Е 101, Е 102, Е 104, Е 120, Е 122, Е 123, Е 124 ва аччиқ винода Е 100, Е 101, Е 102, Е 104, Е 110, Е 120, Е 122, Е 123, Е 124, Е 129 қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

14.2.7.2 Вино асосидаги хушбўйлантирилган ичимликлар.

Газланган алкоғолли ичимлик учун РЕМД=100 мг/л бўлиши лозим..

Маълумот: газланган алкоғолли ичимликда Е 100, Е 101, Е 102, Е 104, Е 110, Е 120, Е 122, Е 123, Е 124, Е 129 қўшимчаларини алоҳида ёки биргаликда максимал миқдорни ҳисобга олган ҳолда қўлланилади.

Вино асосидаги хушбўйлантирилган ичимликлар учун РЕМД=50 мг/л бўлиши лозим. (газланган алкоғолли ичимлик турлари санҗрия, клария, зура бундан мустасно).

		Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак. 14.2.7.3 Вино маҳсулотлари асосидаги хушбўйлаштирилган коктейллар. Вино маҳсулотлари асосидаги хушбўйлаштирилган коктейллар учун РЕМД=50 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак. 14.2.8 Бошқа алкоғолли ичимликлар, алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар аралашмалари. Таркибида 15% кам алкоғол бўлган спиртли ичимликлар учун РЕМД=180 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак. 16 Ширинликлар (десертлар) (1, 3 ва 4-тоифадаги маҳсулотлар бундан мустасно). Ширинликлар (десертлар) учун РЕМД=10 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак. Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 15 мг/кг ни ташкил этиши лозим. 17.1. Овқатга қаттиқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалари (гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун овқатга парҳез қўшимчалари бундан мустасно). Овқатга қаттиқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалари учун РЕМД=35 мг/кг бўлиши лозим. Овқатга қўшиладиган сақич шаклдаги парҳез қўшимчалар учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим. Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак. Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 150 мг/кг ни ташкил этиши лозим. 17.2 Овқатга суюқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалари (гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун овқатга парҳез қўшимчалари бундан мустасно). Овқатга суюқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалари учун РЕМД=10 мг/л бўлиши лозим.. Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак. Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 150 мг/кг ни ташкил қилади.
Е 110	Шафакранг FCF/Зарғалдоқ-сариқ S	1.4 Хушбўйланттирилган қатик ва термик ишлов берилган маҳсулотлар.

Хушбўйлантирилган қатик ва термик ишлов берилган маҳсулотлар учун РЕМД=5 мг/л бўлиши лозим..

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 15 мг/кг ни ташкил этиши лозим.

1.6.3 Бошқа турдаги қаймоқлар.

Хушбўйлантирилган кремлар учун РЕМД=5 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

4.2.4.1 Мева ва сабзавот маҳсулотлари (компотлар бундан мустасно).

Мевали хантал учун РЕМД=35 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

5.2 Бошқа қандолат маҳсулотлари, шу жумладан нафасни тетиклаштирувчи майда конфетлар.

Шакарга босилган мева ва сабзавотлар учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

Ёнғоқ ёки какао асосидаги анъанавий шакар билан қопланган, бодом ёки шарсимон шаклдаги, узунлиги 2 см дан ортиқ бўлган, тўйлар, йиғилишлар ва бошқа тантаналарда тақдим этиладиган ширинликлар учун РЕМД=50 мг/кг, РЕМД=35 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 70 мг/кг ни ташкил этиши лозим. Бу қоидадан истисно тариқасида фақат майда ширинликлар учун максимал чегара 40 мг/кг бўлиши зарур.

5.3 Сақич.

Сақич учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 300 мг/кг ни ташкил этиши лозим.

5.4 Безак қопламалар ва тўлдирмалар (начинка).

Безак қопламалар ва тўлдирмалар (начинка) учун РЕМД=35 мг/кг (безаклар, қопламалар ва соуслар, тўлдирмалар бундан мустасно).

Қўшимчалар учун РЕМД=35 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

Таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори 300 мг/кг ни ташкил этиши лозим.

6.6 Қуритилган нон ушоқлари (панировка).

Қуритилган нон ушоқлари (панировка) учун РЕМД=35 мг/кг бўлиши лозим.

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак.

8.3.1 Иссиқлик билан ишлов берилмаган қайта ишланган гўшт.

Иссиқлик билан ишлов берилмаган қайта ишланган гўшт тури собрасада учун РЕМД=15 мг/кг бўлиши лозим.

8.3.3 Гўшт ўраш учун ишлатилувчи истеъмол қилинувчи қобиқлар, қопламалар ва безаклар.

Безак ва қобиқлар учун РЕМД=35 мг/кг (пастурманинг истеъмол қилинадиган ташқи қобиғи бундан мустасно).

Маълумот: Е 104, Е 110, Е 124 ва III гуруҳ бўёқларнинг умумий миқдори шу гуруҳ учун кўрсатилган максимал миқдордан ошмаслиги керак; Е 120, кошенил, кармин кислотаси, карминлар учун таркибида алюминий бўлган барча бўёқларда алюминий миқдорининг максимал миқдори — 10 мг/кг ни ташкил этиши лозим.

Фақат салат қўшимчалари учун РЕМД=350 мг/кг бўлиши лозим.

Чегаралар аспартам эквивалентларида ифодаланган.

Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади. Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим.

13.2 Махсус тиббий маҳсулотлар.
Махсус тиббий парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун РЕМД=450 мг/кг бўлиши лозим.
Чегаралар ацесульфам К эквивалентида ифодаланган.

Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади. Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим.

13.3 Вазни назорат қилиш учун мўлжалланган парҳез маҳсулотлари.
Вазни назорат қилиш учун мўлжалланган парҳез маҳсулотлари учун РЕМД=450 мг/кг бўлиши лозим.
Чегаралар ацесульфам К эквивалентида ифодаланган.

Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади. Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим.

14.1.3 Мева ва сабзавот нектарлари ҳамда шунга ўхшаш озиқ овқат маҳсулотлари.
Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган ширинликлар учун РЕМД=350 мг/кг бўлиши лозим.
Чегаралар ацесульфам К эквивалентида ифодаланган.

Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади. Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим.

14.1.4 Хушбўйлаштирилган ичимликлар.
Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган ичимликлар учун РЕМД=350 мг/кг бўлиши лозим.
Чегаралар ацесульфам К эквивалентида ифодаланган.

Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади. Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим.

14.2.1 Пиво ва солод ичимликлари.\

Фақат алкогольсиз пиво ёки алкоголь миқдори ҳажми бўйича 1,2 % дан ошмайдиган пиво; «Biere de table/Tafelbier/Оддий пиво» (таркибидаги алкогольнинг бошланғич фоизи 6% дан кам)

(«Obergäriges Einfachbier» бундан мустасно); минимал кислоталилиги 30 миллиэквивалент бўлган, NaOH билан ифодаланган пиво; «Oud bruin» туридаги жигарранг пиволар учун РЕМД=350 мг/л бўлиши лозим.

Фақат паст калорияли пиво учун РЕМД=25 мг/л бўлиши лозим. Чегаралар ацесульфам К эквивалентида ифодаланган.

Чегаралар аспартам эквивалентларида ифодаланган.

Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади.

Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим.

14.2.3 Сидр ва перри.

Олма, нок ёки беҳи шарбатини бижғитиш натижасида олинадиган кучсиз алкоғолли ёки алкоғолли ичимлик (сидр ва перри) учун РЕМД=350 мг/л бўлиши лозим.

Чегаралар ацесульфам К эквивалентида ифодаланган.

Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади.

Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим.

14.2.8 Бошқа алкоғолли ичимликлар, шу жумладан алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар аралашмалари.

Фақат алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар аралашмалари учун РЕМД=350 мг/л бўлиши лозим.

Чегаралар ацесульфам К эквивалентида ифодаланган

Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади.

Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим.

15.1 Картошка, дон, ун ва крахмал асосида тайёрланган газаклар (снек).

Картошка, дон, ун ва крахмал асосида тайёрланган газаклар (снек) учун РЕМД=500 мг/кг бўлиши лозим.

Чегаралар аспартам эквивалентларида ифодаланган.

Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади.

Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим.

15.2 Ишлов берилган ёнғоқлар.

Ишлов берилган ёнғоқлар учун РЕМД РЕМД=500 мг/кг бўлиши лозим.

Чегаралар аспартам эквивалентларида ифодаланган.

		Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади. Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим. 16. Ширинликлар (десертлар) (1, 3 ва 4-тоифадаги маҳсулотлар бундан мустасно). Паст калорияли ёки шакар қўшилмаган ширинликлар учун РЕМД=350 мг/кг бўлиши лозим. Чегаралар ацесульфам К эквивалентида ифодаланган. Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади. Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим. 17.1 Озиқ-овқатга қаттиқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалар. Озиқ-овқатга қаттиқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалар учун РЕМД=500 мг/кг бўлиши лозим. Фақат сақич шаклдаги озиқ-овқат қўшимчалари учун РЕМД=2000 мг/кг бўлиши лозим. Чегаралар ацесульфам К эквивалентида ифодаланган. Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади. Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим. 17.2 Озиқ-овқатга суюқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалари. Озиқ-овқатга суюқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалари учун РЕМД=350 мг/л бўлиши лозим. Шарбат кўринишидаги озиқ-овқат қўшимчалари учун РЕМД=2000 мг/кг бўлиши лозим. Чегаралар ацесульфам К эквивалентида ифодаланган. Рухсат этилган энг юқори даражалар унинг таркибий қисмлари — аспартам (Е 951) ва калий ацесульфамнинг (Е 950) рухсат этилган максимал даражалари асосида ҳисобланади. Аспартам-ацесульфам тузи алоҳида ёки Е 950 ёхуд Е 951 билан биргаликда қўлланилганда, миқдорлар Е 951 учун ҳам, Е 950 учун ҳам белгиланган чегаралардан ошмаслиги лозим.
Е 964	Полиглицитол шарбати	3 Истеъмол музи. Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган истеъмол музи учун РЕМД=200 000 мг/л бўлиши лозим. 4.2.5.1 Экстра-мураббо ва экстра-желе. Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган маҳсулотлар учун РЕМД=500 000 мг/л бўлиши лозим. 4.2.5 Мураббо, желе, мармелад ва шунга ўхшаш маҳсулотлар. Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган маҳсулотлар учун РЕМД=500 000 мг/л бўлиши лозим.

		4.2.5.3 Бошқа шунга ўхшаш мева ёки сабзавот пасталари. Фақат паст калориялилари ёки шакар қўшилмаган маҳсулотлар учун РЕМД=500 000 мг/л бўлиши лозим. 5.1 Какао ва шоколад маҳсулотлари. Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган какао ва шоколад маҳсулотлари учун РЕМД=200 000 мг/кг бўлиши лозим. 5.2 Бошқа қандолат маҳсулотлари, шу жумладан нафасни мусаффо қилувчи майда конфетлар. Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган крахмал асосидаги қандолат маҳсулотлари учун РЕМД=600 000 мг/л бўлиши лозим. Фақат шакарсиз маҳсулотлар учун РЕМД=800 000 мг/л бўлиши лозим. Фақат шакар қўшилмаган карамел учун РЕМД=990 000 мг/л бўлиши лозим. Фақат паст калорияли какао асосида ёки шакарсиз маҳсулотлар учун РЕМД=200 000 мг/л бўлиши лозим. Фақат куруқ нонушталар ёки улар асосидаги паст калорияли ёки шакарсиз маҳсулотлар учун РЕМД=200 000 мг/л бўлиши лозим. 5.3 Сақич Фақат шакарсиз маҳсулотлар учун РЕМД=200 000 мг/л бўлиши лозим. 7.2 Унли қандолат маҳсулотлари. Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган маҳсулотлар учун РЕМД=300 000 мг/л бўлиши лозим. 16. Ширинликлар (десертлар) (1, 3 ва 4-тоифадаги маҳсулотлар бундан мустасно). Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган маҳсулотлар учун РЕМД=300 000 мг/л бўлиши лозим.
Е 965	Малтитол	Етарли миқдор (quantum satis) таъйинли қўлланилади.
Е 966	Лактитол	Етарли миқдор (quantum satis) таъйинли қўлланилади.
Е 967	Ксилит	Етарли миқдор (quantum satis) таъйинли қўлланилади.
Е 968	Эритрит	Етарли миқдор (quantum satis) таъйинли қўлланилади.
Е 969	Адвантам	01.4 Хушбўйлангиланган ва термик ишлов берилган қатик маҳсулотлари. Фақат паст калорияли ёки шакарсиз маҳсулотлар учун РЕМД=10 мг/л бўлиши лозим. 03 Истеъмол музи. Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган истеъмол музи учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим. 4.2.2 Сирка, ёғ ёки тузли сувда консервланган мева ва сабзавотлар. Фақат нордон-ширин консервланган мева ва сабзавотлар учун РЕМД=3 мг/кг бўлиши лозим. 4.2.3 Консервланган ёки идишларга солинган мева ва сабзавотлар. Фақат паст калорияли ёки шакарсиз мевалар учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим. 4.2.4.1 Мева ва сабзавот маҳсулотлари (компотлар бундан мустасно). Фақат паст калорияли маҳсулотлар учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

4.2.5 Мураббо, желе, мармелад ва шунга ўхшаш маҳсулотлар.
Фақат паст калорияли мураббо, желе ва мармеладлар учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

4.2.5.1 Экстра-мураббо ва экстра-желе.
Фақат паст калорияли мураббо, желе ва мармеладлар учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

4.2.5.3 Бошқа шунга ўхшаш мева ёки сабзавот пасталари.
Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган қуритилган мевалар учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

5.1 Какао ва шоколад маҳсулотлари.
Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган маҳсулотлар учун РЕМД=20 мг/кг бўлиши лозим.

5.2 Бошқа қандолат маҳсулотлари, шу жумладан нафасни мусаффо қилувчи майда конфетлар.
Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган какао ёки қуритилган мевалар асосида тайёрланган маҳсулотлар учун РЕМД=20 мг/кг бўлиши лозим.
Фақат ўткир таъмли, шакарсиз, нафасни мусаффо қилувчи маҳсулотлар учун РЕМД=20 мг/кг бўлиши лозим.
Фақат нафасни мусаффо қилувчи шакарсиз майда конфетлар учун РЕМД=60 мг/кг бўлиши лозим.
Фақат шакарсиз қандолат маҳсулотлари учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган крахмал асосидаги қандолат маҳсулотлари учун РЕМД=20 мг/кг бўлиши лозим.
Фақат какао, сут, қуритилган мевалар ёки ёғлар асосидаги паст калорияли ёки шакарсиз суртмалар учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

5.3 Сақич.
Фақат шакарсиз сақич учун РЕМД=400 мг/кг бўлиши лозим.
Фақат таъм кучайтиргич сифатида шакар ёки полиоллар қўшиб тайёрланган сақич учун РЕМД=200 мг/кг бўлиши лозим.

5.4 Безак қопламалар ва тўлдирмалар.
Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган крахмал асосидаги қандолат маҳсулотлари учун РЕМД=20 мг/кг бўлиши лозим.
Фақат шакарсиз қандолат маҳсулотлари учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган какао ёки қуритилган мевалар асосидаги маҳсулотлар учун РЕМД=20 мг/кг бўлиши лозим.
Фақат соуслар учун РЕМД=4 мг/кг бўлиши лозим.

6.3 Қуруқ нонушталар.
Таркибида толали моддалар (клетчаткалар) 15% дан ортиқ ва кепак камида 20% бўлган, шунингдек паст калорияли ёки шакарсиз қуруқ нонушталар учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

7.2 Унли қандолат маҳсулотлари.
Фақат эссоблатен — вафли қоғози тури учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

9.2 Қайта ишланган балиқ ва балиқ маҳсулотлари, шу жумладан қискичбақасимонлар ва моллюскалар.

Фақат ширин ва нордон балиқ, шунингдек маринадланган балиқ ёки балиқ консервалари ва ярим консервалари, қисқичбақасимонлар ва моллюскалар учун РЕМД=3 мг/кг бўлиши лозим.

11.4.1 Суюқ ошхона ширин таъм бергичлари учун етарли миқдор (қуантум сатис) тамайили қўлланилади.

11.4.2 Кукун кўринишидаги ошхона ширин таъм бергичлари учун етарли миқдор (қуантум сатис) тамайили қўлланилади.

11.4.3 Таблетка кўринишидаги ошхона ширин таъм бергичлари учун етарли миқдор (қуантум сатис) тамайили қўлланилади.

12.4 Хантал.

Хантал учун РЕМД=4 мг/кг бўлиши лозим.

12.5 Шўрва ва булёнлар.

Фақат паст калорияли шўрвалар учун РЕМД=2 мг/кг бўлиши лозим.

12.6 Соуслар.

Соуслар учун РЕМД=4 мг/кг бўлиши лозим.

12.7 Салатлар ва газакли бутерброд пасталари.

Аччиқ салатлар учун РЕМД=50 мг/кг бўлиши лозим.

13.2 Махсус тиббий маҳсулотлар.

Махсус тиббий парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари учун РЕМД=10 мг/кг бўлиши лозим.

13.3 Вазни назорат қилиш учун мўлжалланган парҳез маҳсулотлари.

Вазни назорат қилиш учун мўлжалланган парҳез маҳсулотлари учун РЕМД=8 мг/кг бўлиши лозим.

14.1.3 Мева ва сабзавот нектарлари ҳамда шунга ўхшаш озиқ овқат маҳсулотлари.

Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари учун РЕМД=6 мг/л бўлиши лозим.

14.1.4 Хушбўйлаштирилган ичимликлар.

Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган ичимликлар учун РЕМД=6 мг/л бўлиши лозим.

14.2.1 Пиво ва солод ичимликлари.

Фақат алкоғолсиз пиво ёки таркибидаги алкоғол 1,2% дан ошмайдиган пиво; «Biere de table/Tafelbier/Оддий пиво» (таркибидаги алкоғолнинг бошланғич фоизи 6% дан кам) («Oberгäriges Einfachbier» бундан мустасно); минимал кислоталилиги 30 миллиэквивалент бўлган, NaOH билан ифодаланган пиво; «Oud bruin» туридаги жигарранг пиволар учун РЕМД=6 мг/л бўлиши лозим.

Фақат паст калорияли пиво учун РЕМД=0,5 мг/л бўлиши лозим.

14.2.3 Сидр ва перри.

Олма, нок ёки беҳи шарбатини бижғитиш натижасида олинадиган кучсиз алкоғолли ёки алкоғолли ичимлик (сидр ва перри) учун РЕМД=6 мг/л бўлиши лозим.

14.2.8 Бошқа алкоғолли ичимликлар, шу жумладан алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар аралашмалари. Фақат алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар аралашмалари учун РЕМД=6 мг/л бўлиши лозим.

15.1 Картошка, дон, ун ва крахмал асосида тайёрланган газаклар (снec).

	Картошка, дон, ун ва крахмал асосида тайёрланган газаклар (снecк) учун РЕМД=5 мг/кг бўлиши лозим. 15.2 Ишлов берилган ёнғoқлар. Ишлов берилган ёнғoқлар учун РЕМД=5 мг/кг бўлиши лозим. 16. Ширинликлар (десертлар) (1, 3 ва 4-тоифадаги маҳсулотлар бундан мустасно). Фақат паст калорияли ёки шакар қўшилмаган ширинликлар (десертлар) учун РЕМД=100 мг/кг бўлиши лозим. 17.1 Озиқ-овқатга қаттиқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалар. Озиқ-овқатга қаттиқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалар учун РЕМД=20 мг/кг бўлиши лозим. Фақат сақич шаклидаги озиқ-овқат қўшимчалари учун РЕМД=55 мг/кг бўлиши лозим. 17.2 Озиқ-овқатга суюқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалари. Озиқ-овқатга суюқ шаклда етказиб бериладиган парҳез қўшимчалари учун РЕМД=6 мг/л бўлиши лозим. Фақат шарбат кўринишидаги озиқ-овқат қўшимчалари учун РЕМД=55 мг/л бўлиши лозим.
--	--

Озиқ-овқат қўшимчаларига ва улардан фойдаланишга ҳамда озиқ-овқат қўшимчаларини тамғалашга доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена [нормативларига](#) (0098-25-сон СанҚваН)
3-ИЛОВА

Озиқ-овқат маҳсулотларининг тоифалари

Т/р	Тоифа рақами	Озиқ-овқат маҳсулотлари тоифаларининг номи ва тавсифи
1.	0	Барча озиқ-овқат маҳсулотлари тоифалари
2.	01	Сут ва сут маҳсулотлари. Ушбу тоифага ҳар қандай сут берувчи ҳайвонларнинг сутидан (сигир, қўй, эчки, буйвол, эшак, от) олинган сут маҳсулотларининг барча турларини ўз ичига олади, 02 тоифадаги «Ёғ ва мойлар, шунингдек ёғ ва мой эмульсиялари», 03-тоифадаги «Озиқ-овқат музи», 14-тоифадаги «Ичимликлар» ва 16-тоифадаги «Ширинликлар» бундан мустасно. Бу тоифа 01.8-тоифа «Сут ва сут маҳсулотлари, ичимликларни оқартирувчи воситалар ёки куруқ қаймоқ (сухие сливки)» тоифасини ҳам ўз ичига олади. Ушбу тоифада «хушбўйлаштирилган» маҳсулот — ҳар қандай турдаги таъм ва (ёки) хушбўй ҳид берувчи қўшилган маҳсулот (шакар, ширинлаштиргич, хушбўйлаштирувчи моддалар, мева маҳсулоти, зираворлар, сабзавотлар)ни қамраб олади. Бу «хушбўйлаштирилмаган»нинг тескарисини билдиради. Ушбу тоифа таркибида тегишли лактозасиз озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам мавжуд.
3.	01.1	Хушбўйлаштирилмаган пастеризацияланган ва стерилизацияланган сут, (ультрапастеризацияланган). Ушбу тоифа қаймоғи олинмаган, ёғсизлантирилган ва ярим ёғсизлантирилган сут, шунингдек суюқ сут кўринишида истеъмол қилиш учун мўлжалланган сутни (лактозасиз озиқ-овқат маҳсулотлари) қамраб олади.
4.	01.2	Сут-қатик маҳсулотлари (ферментланган сут маҳсулотлари) хушбўйлаштирилмаган, табиий хушбўйлаштирилмаган (стерилизацияланган мой бундан мустасно) ва ачитилгандан кейин термик ишлов берилмаган (ферментланмаган) ардобни қамраб олади.

		Сут-қатик маҳсулотлари ачитиш ёки бактериялар таъсири остида ўз-ўзидан ачиши йўли билан ёки сут кислотаси ҳосил қилувчи бактериялар ёхуд таъм ҳосил қилувчи бактерияларни эмлаш йўли билан ишлаб чиқарилади. Ардоб — бу мой тайёрлаш жараёнида қоладиган деярли ёғсизлантирилган суюқлик (масалан, ферментланган ёки ферментланмаган сут ва қаймоқни кўпиртириш). Ардоб таркибидаги ёғ миқдори нисбатан кам бўлган суюқ сутни юқорида умумий ферментланган сут маҳсулотлари учун тавсифланган технологиялар ёрдамида ачитиш йўли билан ҳам ишлаб чиқарилади. Бу тоифага таъм қўшимчаларисиз кефир, таъм қўшимчаларисиз йогурт, таъм қўшимчаларисиз йогурт ва таъм қўшимчаларисиз айрон киради. Ушбу тоифага 01.6 тоифасига мансуб бўлган ряженка кирмайди.
5.	01.3	Сут-қатик маҳсулотлари (ферментланган сут маҳсулотлари) хушбўйлаштирилмаган, ачитилгандан (ферментлангандан) кейин иссиқлик билан қайта ишланган. Пастеризацияланган ёки стерилизацияланган сариёғни ўз ичига олади. Ушбу тоифага 01.6 тоифасига киритилган қаймоқ кирмайди
6.	01.4	Хушбўйлаштирилган сут-қатик маҳсулотлари (ферментланган сут маҳсулотлари) термик ишлов берилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланади. Ушбу тоифага термик ишлов беришдан ўтган ва термик ишлов беришдан ўтмаган маҳсулотлар киради. Ушбу озиқ-овқат маҳсулотларидан ширинликлар сифатида фойдаланиш мумкин. Ушбу тоифага кирмайдиган бошқа ширинликлар 16-тоифага киритилган. Бу тоифага хушбўй қўшимчали йогурт, хушбўй қўшимчали йогуртли ичимликлар ва хушбўй қўшимчали айрон киради. Ушбу тоифага 01.6 тоифасига киритилган хушбўйлаштирилган ферментланган қаймоқлар кирмайди.
7.	01.5	Қуруқ сут. Бу тоифага қисман сувсизлантирилган сут ва тўлиқ сувсизлантирилган конзервацияланган сутни қамраб олади.
8.	01.6	Қаймоқ ва қуруқ қаймоқ. Қаймоқ — сутга қараганда ёғлилик даражаси нисбатан юқори бўлган суюқ сут маҳсулоти бўлиб, барча суюқ, ярим суюқ ва ярим қаттиқ қаймоқли маҳсулотларни ўз ичига олади. Қуруқ қаймоқ — бу қаймоқдан сувни қисман чиқариб ташлаш йўли билан олиш мумкин бўлган сут маҳсулоти. Ряженка — пиширилган сутни соф термофилли сут-қатик стрептококк экини билан ивитиш йўли билан олинадиган сут-қатик маҳсулоти.
9.	01.6.1	Пастеризацияланган қаймоқ (хушбўйлаштирилмаган) (ёғ миқдори кам бўлган қаймоқ бундан мустасно) Тегишли термик ишлов бериш орқали пастеризацияланадиган қаймоқ
10.	01.6.2	Ферментланган хушбўйлаштирилмаган қаймоқ маҳсулотлари ва ёғ миқдори 20% дан кам бўлган ўрнини босувчи озиқ-овқат маҳсулотлари. Ушбу тоифага ёғ миқдори 20% дан кам бўлган хушбўйлаштирилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари киради. У ферментлар таъсири остида ҳосил бўлган қалин, ёпишқоқ қаймоқни, шунингдек сметанани (сут кислотаси ферментацияланган қаймоқ) қамраб олади. Унга ёғ миқдори 20% дан кам бўлган ачитилган қаймоқдан ва сметана ўрнини босувчи маҳсулотдан олинган, тез тайёрланадиган хушбўйлаштирилмаган кўпиртирилган қаймоқ ҳам киради. Сут маҳсулотларига ўхшаш функцияларга эга бўлган ва таркибида қўшилган масалликлар бўлиши мумкин бўлган озиқ-овқатлардир сутли таркибий қисмларнинг ўрнини босмайди.
11.	01.6.3	Бошқа турдаги қаймоқлар.

		Ушбу тоифага 01.6.1 ва 01.6.2 тоифаларида қайд этилмаган, ҳарорати пастеризация ҳароратидан юқори бўлган термик ишловдан ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари (масалан, стерилизацияланган қаймоқ ва УВТ қаймоқ), кўпиртирилган қаймоқ (Clotted cream) (сарик рангли қуюқ қаймоқ), пиртирилган қаймоқ (миксер, кўпиртиргич ёки санчқи билан енгил ва кўпчиган ҳолга келгунга қадар кўпиртирилган қаймоқ), 01.6.2 тоифасига киритилганидан кўра ёғ миқдори кам бўлган бошқа қаймоқлар; хушбўйлаштирилган ряженка ичимлиги каби барча турдаги қаймоқ ва қуруқ қаймоқлар киради. Хушбўйлаштирилган кўпиртирилган таъм қўшимчалари қўшилган қаймоқ 05.4 тоифаси билан қамраб олинган.
12.	01.7	Пишлоқ ва творог маҳсулотлари. Ушбу тоифа ўралган сут-оқсил тузилма таркибида сув ва ёғга эга бўлган маҳсулотлар деб таърифланган пишлоқ ва творог маҳсулотларини ўз ичига олади.
13.	01.7.1	Юмшоқ пишлоқ (етилмаган), 16-тоифага кирадиган озиқ-овқат маҳсулотлари бундан мустасно. Ушбу тоифа тайёрланганидан кейин дарҳол истеъмол қилишга тайёр бўладиган пишлоқлар, масалан янги пишлоқ, тузли сувдаги етилмаган пишлоқларни қамраб олади. Ушбу тоифага: моцарелла: чўзилувчан юмшоқ пишлоқ; масарпоне: сут қўшиш эҳтимоли билан, сут қаймоғини кислотали-иссиқлик билан ивитиш йўли билан олинган юмшоқ, янги, пастасимон пишлоқ киради.
14.	01.7.2	Қаттиқ (етилган) пишлоқ. Ушбу тоифа тайёрлангандан сўнг дарҳол истеъмол қилишга тайёр бўлмаган, лекин муайян пишлоқни тавсифловчи зарур биокимёвий ва физикавий ўзгаришларнинг олдини олиш учун вақт ва ҳарорат режимида сақланадиган пишлоқларни ўз ичига олади. Етилган пишлоқ юмшоқ, ярим қаттиқ, қаттиқ ёки ўта қаттиқ бўлиши мумкин. Ушбу тоифага проволоне — етук қаттиқ/ўртача қаттиқ чўзилувчан пишлоқ киради
15.	01.7.3	Пишлоқнинг ейиш мумкин бўлган қобиғи — пишлоқ массасининг ташқи, дастлаб пишлоқнинг ички қисми билан бир хил таркибга эга бўладиган, аммо тузланган ва (ёки) етилганидан кейин қуриб қолиши мумкин бўлган қисми киради. Рухсат этилган озиқ-овқат бўёқлари фақат пишлоқнинг сиртига ишлов бериш учун мўлжалланган.
16.	01.7.4	Сут зардобидан тайёрланган пишлоқ. Бу тоифа сут, қаймоқ ёки сутдан олинган бошқа материаллар ва технологик зарурат туғилганда 5% гача шакар қўшилган ёки қўшилмаган ҳолда зардобни қуюқлаштириш йўли билан олинган қаттиқ ёки маълум даражада ярим қаттиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва технологик зарурат туғилганда, қуюқлаштирилган озиқ-овқат маҳсулоти, шу жумладан, сут зардобидан ажратилган зардоб оқсилларини коагуляция қилиш орқали ишлаб чиқариладиган зардоб оқсилли пишлоқларни ўз ичига олади. Ушбу тоифага киради қуйидагилар киради: рикотта — сут ва (ёки) юмшоқ қаймоқ ва (ёки) зардоб қаймоғи қўшилиши эҳтимоли билан зардобни термал ёки кислотали-термик ивитиш йўли билан олинган, қаттиқ янги сут маҳсулоти.
17.	01.7.5	Эритилган пишлоқ. Ушбу тоифа пишлоқ, пишлоқ аралашмаси ва сут ёғи, сут оқсили, қуруқ сут ва турли миқдордаги ичимлик суви каби бошқа сут масаллиқларини эритиш ва эмулгациялаш натижасида олинган пастасимон ёки қаттиқ озиқ-овқат

		маҳсулотларини ўз ичига олади. Эритилган пишлок таъм берувчи қўшимчали ёки уларсиз бўлиши мумкин.
18.	01.7.6	Пишлок маҳсулотлари (16-тоифага кирадиган озиқ-овқат маҳсулотлари бундан мустасно). Ушбу тоифа (пишлок бундан мустасно) сут оксили коагуляциясидан иборат ишлов бериш технологияси ёрдамида олинган ва (ёки) сутдан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари, пишлокқа ўхшаш якуний физикавий ёки органолептик хусусиятли сут маҳсулотларини ўз ичига олади.
19.	01.8	Шунга ўхшаш сутли озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, ичимликларни оқартирувчи воситалар. Ушбу тоифа сут оксиллари ёки сут ёғлари келиб чиқиши сутга боғлиқ бўлмаган оксиллар, ёғлар ёки мойлар билан қисман ёки тўлиқ алмаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олади. Ушбу тоифага қаймоққа ўхшаш сутдан олинмаган ва хом озиқ-овқат маҳсулотлари киради, шунингдек ушбу тоифа ичимликларни оқартирувчилар ёки қаймоққа ўхшаш озиқ-овқат маҳсулотларини қамраб олади. Бу қаҳва, чой, иссиқ шоколад ва бошқа ичимликларга озиқ-овқат қўшимчалари сифатида сут ёки қаймоқнинг ўрнини босиш учун мўлжалланган суюқ ёки донатор моддалардир. Қаймоққа ўхшаш озиқ-овқат маҳсулотлари ванил, фундук ёки ирланд қаймоғи каби хушбўйлаштирувчи моддаларни ўз ичига олади. Қаймоққа ўхшаш озиқ-овқат маҳсулотлари паст калорияли ва ёғсиз бўлиши мумкин.
20.	01.9	Ёйишли казеинатлар
21.	02	Ёғ ва мойлар, шунингдек ёғ ва мой эмулциялари. Ушбу тоифа ўсимлик ёки ҳайвонот манбаларидан ёки уларнинг аралашмаларидан, шу жумладан денгиз манбаларидан олинган барча ёғли маҳсулотларни ўз ичига олади.
22.	02.1	Сувсизлантирилган ёғлар ва мойлар (сувсизлантирилган сут ёғи бундан мустасно). Озуқавий ёғлар ва мойлар ўсимлик ёки ҳайвонлардан, шу жумладан денгиз манбаларидан олинган триглитсеридларидан ташкил топган озиқ-овқат маҳсулотларидир.
23.	02.2	«Мойдаги сув» туридаги ёғ ва мой эмулциялари
24.	02.2.1	Сариёғ, қуюлтирилган сариёғ, эритилган сариёғ ва сувсиз сут ёғи. Ушбу тоифа фақат сутдан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари ва (ёки) сутдан сув ва ёғсизлантирилган қаттиқ моддаларни, шунингдек суюқ эмулцияларни деярли бутунлай йўқ қилиб ташлайдиган жараён орқали олинган озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олади. Тоифага кам ёғли сариёғ кирмайди.
25.	02.2.2	Бошқа ёғ ва мой эмулциялари, хусусан ўсимлик ёғига сут қўшилган маҳсулотлар (спред) ва суюқ эмулциялар. Ушбу тоифа бошқа мой-ёғ эмулциялари, шу жумладан ўсимлик ёғига сут қўшилган маҳсулотлар (спред) ва суюқ эмулцияларни ўз ичига олади. Бу тоифага қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотлари киради: сут ёғлари (фақат сутдан ва (ёки) улар учун ёғлар муҳим таркибий қисм ҳисобланадиган баъзи сут маҳсулотларидан олинадиган, қаттиқ пластик эмулция шаклидаги «мойдаги сув» туридаги маҳсулотлар): ёғлилиги $\frac{3}{4}$ бўлган мой, ярим ёғли мой, ўсимлик ёғига сут қўшилган маҳсулотлар (спред); ёғлар (таркибида ёғлилиги 3% дан кўп бўлмаган сут ёғи бўлган қаттиқ ва (ёки) суюқ ўсимлик ва (ёки) ҳайвон ёғларидан олинган, қаттиқ пластик эмулция шаклидаги «мойдаги сув» туридаги маҳсулотлар): маргарин, $\frac{3}{4}$ ёғлиликдаги маргарин, ярим ёғли маргарин, х% ёғли ўсимлик ёғига сут қўшилган маҳсулотлар (спред);

		ўсимлик ва (ёки) ҳайвонот маҳсулотларидан таркиб топган ёғлар (одам истеъмоли учун яроқли бўлган, сут ёғининг зарраси озиқ-овқат маҳсулотидagi жами ёғ миқдорининг 10% дан 80% гача бўлган қаттиқ ва (ёки) суюқ ўсимлик ва (ёки) ҳайвон ёғларидан олинган қаттиқ пластик эмулция шаклидаги «мойдаги сув» туридаги озиқ-овқат маҳсулотлари): аралашма, 3/4 ёғлиликдаги аралашма, ярим ёғли аралашма, х% аралашмали ўсимлик ёғига сут қўшилган маҳсулотлар (спред); суюқ эмулциялар: салқин шароитда ҳам ўз хоссасига кўра суюқлигича қоладиган, қаттиқ маргарин ёки сариеғга муқобил сифатида ишлатиладиган суюқ маргарин.
26.	02.3	Ўсимлик ёғига сут қўшилган маҳсулотлар (спред) ўсимлик ёғига сут қўшилган маҳсулотлар (спред) — овқат ёпишишининг олдини олиш учун това ва бошқа идишларга суртиладиган ўсимлик мойи пуркагичи.
27.	03	Ёйишли муз: озиқ-овқат маҳсулоти; суюқ ҳолатдан ёпишқоқроқ тузилишга қадар музлатилган; музлатилган ҳолда сақланади, ташилади, сотилади ва истеъмол қилинади.
28.	04	Мева ва сабзавотлар. Ушбу тоифа мева, сабзавот, қўзикаринлар, илдизмева ва тугунаклар, дуккаклилар, денгиз ўтлари, ёнғоқлар ва уруғларни ўз ичига олади.
29.	04.1	Қайта ишланмаган мева ва сабзавотлар. Ушбу тоифа барча қайта ишланмаган мева ва сабзавотларни ўз ичига олади.
30.	04.1.1	Бутун янги мева ва сабзавотлар. Янги узилган мева ва сабзавотлар
31.	04.1.2	Тозаланган, тўғралган ва майдаланган мева ва сабзавотлар. Ушбу тоифа тозаланмаган, тозалаш, тўғраш, кесиш ёки (майдалаш бундан мустасно) қайта ишлов берилмаган мева ва сабзавотларни ўз ичига олади.
32.	04.1.3	Музлатилган мева ва сабзавотлар. Ушбу тоифа музлашдан олдин буғланиши, бўлиниши ёки тўғралиши мумкин бўлган янги мева ва янги сабзавотларни ўз ичига олади. Маҳсулот шарбат ёки шакар сиропида музлатилиши мумкин. Масалан, музлатилган мевали салат ва музлатилган кулупнай. Агар мева ва сабзавотлар асл ҳолатидан сезиларли ўзгарадиган тарзда буғлатиладиган бўлса, озиқ-овқат 04.2.4.1 тоифаси остига тушиши мумкин.
33.	04.2	Қайта ишланган мева ва сабзавотлар. Ушбу тоифа қуритилган, консерваланган, шиша идишларга қадоқланган мева ва сабзавотлар, сирка, ёғ ёки тузли сувдаги мева ва сабзавотлар; мевали ва сабзавотли ярим тайёр маҳсулотлар ва шинни, желе ва мармелад ва шунга ўхшаш озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олади.
34.	04.2.1	Қуруқ мевалар ва қуритилган сабзавотлар. Муҳим озукавий моддаларга таъсир қилмасдан, табиий сув миқдори микроорганизмларнинг ўсиши учун зарур бўлгандан кўра камроқ даражагача камайитрилган мева ва сабзавотлар. Хусусан, қуритилган олма қоқиси, майиз, қуритилган майдаланган ёки арчилган кокос, қора олхўри, анжир қоқиси, қуритилган қўзикарин, помидор қоқиси ва қуритилган ясимқ, қуритилган дуккаклар, қуритилган нўхат. Маҳсулотни истеъмол қилишдан олдин сувлантиришга мўлжалланган бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Шарбатни қуритиш йўли билан тайёрланган, масалан помидор кукуни ва лавлаги кукуни каби сабзавот кукунларини ўз ичига олади.

		«Қизил мевалар» атамаси (шунингдек, 04.2.2, 04.2.3 ва 04.2.4.1 тоифаларида қўлланилади) пўчоқлари ва шарбати/эти қизил бўлган қизил-бинафшаранг резавор турларига ва қизил-бинафшаранг данакли мева турларига киради. «Оқ сабзавотлар» атамаси (04.2.3 ва 04.2.4.1 тоифаларида ҳам қўлланилади) қуйидаги сабзавотларни ўз ичига олади: маниок, гулкарам, оқ селдерей, хитой турпи, саримсоқ ва оқ пиёз, ерқалампир, топинамбур, кўк пиёз, петрушка илдизи, пастернак, брюква, сарсабил, карам, оқ кўзиқорин, оқ турп, оқ шолғом ва оқ дуккакдилар.
35.	04.2.2	Сирка, мой ёки тузли сув ичидаги мева ва сабзавотлар. Хом сабзавот ёки меваларга туз ва сирка эритмаси ва мойдан фойдаланган ҳолда ишлов бериш йўли билан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, бу таомнинг барқарорлигига ёрдам беради. Мисоллар: маринадланган карам, маринадланган бодринг, зайтун, маринадланган пиёз, маринадланган гулкарам, маринадланган сабзи, сариёғ ичида кўзиқоринлар, маринадланган артишок ўзаклари, маринадланган олхўри, маринадланган манго бодринглари ва маринадланган ярус. Ушбу тоифага сирка, мой ёки тузли сув ичидаги ширин-нордон консервалар ҳам киради.
36.	04.2.3	Консерваланган ёки шиша идишга солинган мева ва сабзавотлар. Янги мева ёки сабзавотлар тозаланган, буғлатилган ва суюқ муҳит билан консерва банкаларига, пакетларга, шиша банкаларга ёки бошқа идишларга жойлаштирилган ва иссиқлик билан стерилизацияланган тўлиқ консерваланган маҳсулот, 04.2.4-тоифаси билан қамраб олинади. Соусли сабзавотлардан иборат консерваланган маҳсулот қисман 04.2.3 тоифаси билан қамраб олинади ва унга нисбатан ўтиш тамойили қўлланилиши мумкин бўлган кўп масаллиқли озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади.
37.	04.2.4	Мева ва сабзавотлардан қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари, 05.4 тоифасига кирувчи маҳсулотлар бундан мустасно. Ушбу тоифа юқори концентрациядаги шакарли қайнаб турган сув ёрдамида тайёрланган мева ёки сабзавот қуйқаси, пюреси, компоти ва шунга ўхшаш маҳсулотлар каби ярим маҳсулотларни, шунингдек бутун ёки бўлақлар кўринишидаги мева ёки сабзавот ярим маҳсулотларни ўз ичига олади. Ушбу тоифага сирка, мой ёки шўр сув ичидаги озиқ-овқатлар (бу озиқ-овқат маҳсулотлари 04.2.2 тоифаси билан қамраб олинади), шунингдек 04.2.3 тоифасидаги озиқ-овқатлар кирмайди.
38.	04.2.4.1	Мева ва сабзавотларни қайта ишлашдан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари, компот бундан мустасно. Ушбу тоифа 04.2 тоифадаги бошқа кичик тоифалар билан қамраб олинмаган қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини ўз ичига олади. Уларни ишлов берилгандан кейин музлатиш мумкин. «Қайта ишланган мева ва сабзавотлар» атамаси қизил мевалардан тайёрланган консервалар, денгиз ўтлари асосидаги ярим маҳсулотлар, микро сув ўтларидан тайёрланган ярим маҳсулотлар, мевали соуслар, мева асосидаги сироплар, сардаклар, тайёр зайтун ва зайтун асосидаги озиқ-овқатлар, сабзавот пюреси каби озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавот пюреси, мева қуйқаси ва шарбатлар ва кокос сутини ўз ичига олади. Ушбу тоифага қуйидагилар киради: мевали хантал (Мостарда ди фрутта) — ханталли сиропдаги шакарланган мевалар; мевали бўлмаган қўшимчалар (5.4 тоифага киритилган); шакар сироплари (11-тоифага киритилган);

		хушбўй ичимликлар тайёрлаш учун мўлжалланган қуюқлаштирилган кўринишдаги мева сироплари (14.1.4 тоифасига киритилган).
39.	04.2.4.2	Компот, 16-тоифага кирувчи маҳсулотлар бундан мустасно. Компот — бир ёки бир неча турдаги меваларнинг ейишли қисмини, яхлит ёки бўлақларга бўлиб, эланган ёки эланмаган, сезиларли қуюқлашувсиз термик ишлов бериш ёрдамида олинган маҳсулот. Шакар, сув, сидр, зираворлар ва лимон шарбатидан фойдаланиш мумкин. Энг кенг тарқалгани олма ва шафтоли компотидир.
40.	04.2.5	Шинни, желе, мармелад ва шунга ўхшаш озиқ-овқат маҳсулотлари. Ушбу тоифа шинни, желе, мармелад, желели мармелад, ширин қилинган каштан пюреси ва бошқа мева ёки сабзавот пасталари, жумладан паст калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари ва шакар миқдори кам бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олади. Ушбу озиқ-овқат маҳсулотларидаги эрувчан қаттиқ моддалар миқдори 60 % ёки ундан ортиқни ташкил қилади, рефрактометр томонидан аниқлангани каби, шакар тўлиқ ёки қисман ширинлаштиригичлар билан алмаштирилган маҳсулотлар бундан мустасно. Ушбу тоифага мармелад, ёнғоқ мойи ва ёнғоқли паста каби бошқа мева ва сабзавотлар, жумладан паст калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари киради.
41.	04.2.5.1	Юқори сифатли шинни (джем) ва желелар. Экстра шинни (джем) — шакар, бир ёки бир неча меванинг қуюлтирилмаган қуйқаси ва сувнинг тегишли желесимон консистенцияга келтирилган аралашмаси. Экстра желе — шакар ва бир ёки бир неча турдаги мева шарбати ва (ёки) сувли экстрактларининг желесимон ҳолатга келтирилган аралашмаси. 1000 г экстра шинни (джем) тайёр маҳсулотини тайёрлаш учун ишлатиладиган мева қуйқасининг миқдори 450 г дан кам бўлмаслиги керак. 1000 г экстра желе тайёр маҳсулотини тайёрлаш учун ишлатиладиган мева шарбати ва (ёки) сувли экстрактлари миқдори 450 г дан кам бўлмаслиги керак. Ушбу тоифа қуйидагиларни ўз ичига олади: Мермелада экстра — шакарни бутун, тўғралган, майдаланган, эланкдан ўтказилган ёки бошқа мевалар билан аралаш қуюқ ёки ярим суёқ ҳолга келгунча қайнатиш орқали тайёрланадиган маҳсулот. Мева таркиби камида 50% бўлиши керак ва рефрактометр томонидан аниқлангани каби эрувчан қуруқ моддалар миқдори 40 дан 60% гачани ташкил этади. Пекмез (Хорватиянинг анъанавий маҳсулоти) — бир ёки бир неча турдаги мевалардан олинган мева қуйқаси ва (ёки) мева пюресини шакар қўшилган ёки қўшилмаган ҳолда қайнатиш йўли билан олинадиган, тегишлича қуюқ консистенциядаги озиқ-овқат маҳсулоти. «Пекмез»га умумий мева миқдорининг 25% гача шакар қўшишга йўл қўйилади.
42.	04.2.5.2	Шинни, желе, мармелад ва ширин каштан пюреси. Ушбу тоифага қуйидагилар киради: шинни — шакар, бир ёки бир неча турдаги мева қуйқаси ва (ёки) пюресининг тегишли желесимон консистенцияси ва сув аралашмаси (1000 г тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган мева қуйқаси ва (ёки) пюре миқдори камида 350 г бўлиши керак); желе — шакар, бир ёки бир неча турдаги меванинг сувли экстрактларнинг желесимон қуюқликка келтирилган аралашмаси (1000 г тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган шарбат ва (ёки) сувли экстрактлар миқдори шинни ишлаб чиқариш учун белгиланганидан кам бўлмаслиги керак); мармелад — сув, шакар ва цитрус меваларидан олинган қуйидаги маҳсулотлардан бири ёки бир нечасининг аралашмасидир: қуйқаси, пюреси, шарбати, сув экстрактлари ва қобиғи (1000 г тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш

		учун сарфланадиган цитрус мевалари миқдори 200 г дан кам бўлмаслиги керак, шундан камида 75 г эндокарпийдан олиниши керак). Желели мармелад номи, агар маҳсулот таркибида кам миқдордаги (майда тўғралган қобиқ бундан мустасно) эримайдиган моддалар бўлмаганда қўлланилади. Ширинлаштирилган каштан пюреси — сув, шакар ва 1000 г тайёр маҳсулот учун 380 г тегишли консистенцияга келтирилган камида каштан пюреси аралашмасидир. Мармелада — шакарни бутун, тўғралган, майдаланган, элакдан ўтказилган ёки бошқа усулда қайта ишланган мевалар билан аралашма қуюқ ёки ярим суюқ ҳолатга келгунча қайнатиш йўли билан тайёрланган маҳсулот. Мева миқдори камида 30%, эрувчан қуруқ моддалар миқдори эса рефрактометр томонидан аниқлангани каби 40 % дан 60 % гачани ташкил этади.
43.	04.2.5.3	Шинни, желе, мармелад ва шунга ўхшаш озиқ-овқат маҳсулотлари. Ушбу тоифа шинни, желе, мармелад, желели мармелад, ширин қилинган каштан пюреси ва бошқа мева ёки сабзавот пасталари, жумладан паст калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари ва шакар миқдори кам бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олади. Ушбу озиқ-овқат маҳсулотларидаги эрувчан қаттиқ моддалар миқдори 60% ёки ундан ортиқни ташкил (рефрактометр томонидан аниқланганидек, шакар тўлиқ ёки қисман ширинлаштиригичлар билан алмаштирилган маҳсулотлар бундан мустасно). Ушбу тоифага мармелад, ёнғоқ мойи ва ёнғоқли паста каби бошқа мева ва сабзавотлар, жумладан паст калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари киради.
44.	04.2.5.4	Ёнғоқ мойи ва ёнғоқ пасталари ўсимлик ёғига сут қўшилган маҳсулотлар (спред) Ёнғоқ мойи — ёнғоқларни майдалаш йўли билан тайёрланган пастасимон маҳсулот. Тайёр маҳсулот юқори даражада ёғли таркибга эга ва уни сарийёғ каби суртиш мумкин. Мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин: ерёнғоқ мойи (қовурилган ва майдаланган ерёнғоқлардан ерёнғоқ мойи қўшиб тайёрланган суртма паста), бошқа ёнғоқ мойлари (масалан, кешю мойи) ва қовоқ мойи. Ушбу тоифага 5.2-тоифада қамраб олинадиган ширинлаштирилган каштан пюреси ва какао асосидаги ёнғоқлар кирмайди.
45.	04.2.6	Ишлов берилган картошка маҳсулотлари. Ушбу тоифа қуйидаги картошкали озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олади: фри картошкеси, музлатилган ёки совутилган картошка таомлари ва сувсизлантирилган картошка маҳсулотлари (бодрок, гранулалар, кукун). Ушбу тоифага 6.4.4 тоифасига кирувчи картошкали нёкки, 15.1 тоифасига кирувчи картошкадан тайёрланган газаклар кирмайди.
46.	05	Қандолат маҳсулотлари. 5.1 тоифадаги барча какао ва шоколад маҳсулотларини, таркибида какао бўлиши мумкин ёки бўлмаслиги мумкин бўлган ва 5.2 тоифасига киритилган бошқа қандолат маҳсулотларини, 5.3 тоифасига кирувчи сақични, 05.4 тоифасига кирувчи безаклар ва қиёмни қамраб олади.
47.	05.1	Какао ва шоколаддан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари. Ушбу тоифа какао ва шоколаддан тайёрланган барча турли-туман озиқ-овқат маҳсулотларини қамраб олади: какао мойи, какао кукун, ёғ миқдори кам бўлган какао кукун, кукунли шоколад, ширинлаштирилган какао кукун, шоколад, сутли шоколад, оилавий сутли шоколад, оқ шоколад, тўлдирмали шоколад, шоколаднинг «а ла таза» тури, шоколаднинг «фамилиар а ла таза» тури ва шоколадли конфетлар.
48.	05.2	Бошқа қандолат маҳсулотлари, хусусан нафасни янгилаш учун кичик шимиладиган конфетлар.

		Ушбу тоифа (05.1, 05.3 ва 05.4 тоифалари бундан мустасно) конфетлар ёки ширинликлар деб аталадиган барча қандолат маҳсулотларини ўз ичига олади. Уларга таркибида шакар бўлган (шакарли қандолат маҳсулотлари) ёки шакар бўлмаган (паст энергетик қийматга (калорияга) эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва шакар қўшилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари), таркибида какао бўлган ёки бўлмаган барча турдаги маҳсулотларни ўз ичига олади. Конфет ва шимиладиган конфетлар каби қаттиқ қандолат маҳсулотлари/конфетлар, желатин/мевали сақичлар каби юмшоқ қандолат маҳсулотлари/желели қандолат маҳсулотлари/ чайнайдиган конфетлар, желе ва шакар кўпиги/зефир, шунингдек, фондант ва помадка, қизилмия, карамел, ирис, ёнғоқҳолва, марzipан, туррон ва мазапан, драже, мармелад, қиём, ҳолва каби маҳсулотларни ўз ичига олади. Қандолат маҳсулотлари (шакар, крахмал, какао, қуритилган мевалар асосидаги), сендвич учун ўсимлик ёғига сут қўшилган маҳсулотлар (спред) (какао асосида, сут асосида, қуритилган мевалар асосида, ёғасосида), шакарланган мевалар ҳамда кристалланган ва сирланган мева ва сабзавотлар, ширин попкорнли газаклар, ўхшатиб ишланган шоколад, шоколад ўрнини босувчилар ва какао асосидаги озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек кучли хушбўй таъмли томоқ пастилкалари ва нафасни тетиклаштирувчи микроширинликлар (характерли ўлчами 1,5 см дан ортиқ бўлмаган нафасни тетиклаштирувчи ширинликлар микроширинлик ҳисобланмайди).
49.	05.3	Сақич. Ушбу тоифа таркибида хушбўйлаштирувчи моддалар ва хушбўй моддалар, ширинлаштиргичлар (озуқавий ёки ноозуқавий) ва бошқа масаллиқлар бўлган табиий ёки синтетик резинали асосдан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олади. Уларга сақичлар ва нафасни тетиклаштирувчи озиқ-овқат маҳсулотлари киради.
50.	05.4	Безакли пардозлаш, қоплама/сирлаш, тўлдирмалар, 4.2.4 тоифасига кирувчи мева асосидаги тўлдирмалар, масалан, нон ва унли қандолат маҳсулотлари, ейишли муз, конфетлар ва қандолат маҳсулотлари бундан мустасно. Ушбу тоифа мевали бўлмаган тўлдирма, қиём, қопламалар, сироплар, ширин соуслар ва тўлдирмалар, шунингдек хушбўйлаштирилган кўпиртирилган қаймоқ (миксер, кўпиртиргич ёки санчқи билан енгил ва юмшоқ бўлгунга қадар кўпиртирилган, исталган таъм ва (ёки) қўшимчали қаймоқ), безатиш мақсадлари учун, озиқ-овқат маҳсулотларини қоплаш ва тўлдириш учун пуркагичли баллончалардаги хушбўйлаштирилган қаймоқ ва қиёмларни ўз ичига олади. Бу тоифага қуйидагиларга мансуб озиқ-овқат маҳсулотлари кирмайди: 8.3.3 тоифа озиқ-овқат маҳсулотлари; 5.1 тоифа, озиқ-овқат маҳсулотлари учун ишлатиладиган тўлдирма, безаш ва қоплаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари бундан мустасно, агар уларга какао ва шоколад маҳсулотларига қўйиладиган талаблар татбиқ этилмаса; 11 тоифа озиқ-овқат маҳсулотлари; 04.2.4-тоифадаги мева асосидаги тўлдирмалар. Озиқ-овқат қўшимчаларининг ўзи ва уларнинг таркибида бошқа озиқ-овқат қўшимчалари ёки ташувчи сифатида ишлатиладиган озиқ-овқат масаллиқлари бўлиши мумкин бўлган ярим тайёр маҳсулотлар ушбу озиқ-овқат маҳсулотлари тоифасига кирмайди.
51.	06	Ёрмалар ва дон маҳсулотлари. Бу тоифа (07-тоифадаги маҳсулотлар бундан мустасно) бошоқли донлар, баъзи ҳолларда эса тоифаларда тавсифланганидек, илдиз ва илдизмевалар, сояли дуккаклар, донли дуккакларда ва дуккакдилардан олинган қайта

		ишланмаган ва қайта ишланган озиқ-овқатларни ўз ичига олади. 06.2.2 кичик тоифаси бошқа ботаника манбаларидан олинган крахмалларни ҳам қамраб олиши мумкин.
52.	06.1	Бутун, майдаланган ва ясси бодрок қилинган дон. Бу тоифа музлатиш мумкин бўлган ёки мумкин бўлмаган бутун, пўсти тушган, қайта ишланмаган ёрма ва донларни ўз ичига олади. Мисоллар, арпа, маккажўхори (маис), сули, жавдар, полба, гуруч (шу жумладан, бойитилган гуруч ва буғлатилган гуруч), жўхори, соя ва буғдой.
53.	06.2	Ун ва бошқа янчилган маҳсулотлар ва крахмаллар. Дон экинларидан янчилган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари (ва баъзи ҳолларда илдизмева, тугунак ва дуккаклилар).
54.	06.2.1	Ун. Дон, илдизмевалар, тугунаклар (масалан, маниока), дуккакли ғалла, дуккаклилар, сояли дуккаклилар, картошка каби ўсимлик манбаларидан олинадиган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, крахмал бундан мустасно.
55.	06.2.2	Крахмаллар. Крахмал — баъзи ўсимлик турларида, хусусан, уруғларда (масалан, дон, дуккакли экинлар, маккажўхори, буғдой, гуруч, ловия, нўхат) ва тугунакларда (масалан, картошка) донатор шаклда учрайдиган Д-глюкоза полимери. Полимер алфа-глизидли алоқалар орқали конденсацияланувчи Д-ангидроглюкопираноза бирликларида таркиб топган. Табиий крахмал ҳар бир хомашё учун ўзига хос бўлган жараёнлар билан ажралиб туради. Тоифага малтодекстринлар киради.
56.	06.3	Куруқ нонушталар. Ушбу тоифа барча истеъмолга тайёр бўлган тез тайёрланадиган бодроклар ва оддий иссиқ нонушта учун бодрокларни, шу жумладан ясси бодрокларни ўз ичига олади. Мисолларга қуйидагилар киради: гранула туридаги куруқ нонушталар, тез тайёрланадиган сули бодроклари, маккажўхори бодроклари, буғдой ёки гуруч бодроклари, кўп донли (масалан, гуруч, буғдой ва маккажўхори), куруқ нонушталар, мюсли, соя, дон уни ёки кукуни, «Фарина»дан тайёрланган куруқ нонушталар
57.	06.4	Макарон маҳсулотлари (макарон). Макарон маҳсулотлари манна ёрмаси/қаттиқ буғдой уни ёки манна ёрмаси/бутун қаттиқ буғдой уни ва сув ва (ёки) тухумдан тайёрланган хамирни экструзициялаш ёки қолиплаш йўли билан олинган ҳар қандай турдаги қолипланган маҳсулотдан иборат. Макарон маҳсулотини қуритиш ёки қуритилмаслик мумкин. Бошқа масаллиқлар (масалан, сабзавот ёки зираворлар) хамирга маълум тузилиш, ранг, жиҳатлар ёки озуқавий хоссалар бахш этиш учун қўшилиши мумкин.
58.	06.4.1	Янги макарон маҳсулотлари. Ушбу тоифа конзерваланган ва гигиеник мақсадларда ишлаб чиқариш жараёнида термик ишлов бериладиган макарон маҳсулотларини қамраб олади. Янги хамирнинг намлиги тахминан 25% ни ташкил қилади. Бу тоифага макарон маҳсулотлари асосидаги тайёр таомлар кирмайди.
59.	06.4.2	Куруқ макарон маҳсулотлари (хамир). Ушбу тоифа куруқ моддалари бўйича намлик миқдори 13% дан ошмайдиган макарон маҳсулотларини ўз ичига олади. Бу тоифага куруқ, олдиндан қайнатиб олинган, термик ишлов берилган (олдиндан пиширилган) макарон маҳсулотлари ҳам киради. Бу тоифага макарон маҳсулотлари асосидаги тайёр таомлар кирмайди.
60.	06.4.3	Янги олдиндан ишлов берилган макарон маҳсулотлари (хамир).

		Ушбу тоифа термик ишлов берилган янги хамирни (буғланган) қамраб олади. Бу тоифага макарон маҳсулотлари асосидаги тайёр таомлар кирмайди.
61.	06.4.4	Картошкали пилакчалар. Бу тоифа картошка ва (ёки) буғдой уни ва (ёки) манна ёрмаси ва (ёки) туздан тайёрланган хамирдан олинган юзасида маълум чизиқли ёки чизиксиз кичик шарчалар ёки цилиндрсимон таёкчаларни қамраб олади. Тухум, сут, сабзавот ва оз миқдорда ёғ қўшиш мумкин. Олдиндан пиширилган картошкадан тайёрланган нёкки ва совутилган нёккини ўз ичига олади.
62.	06.4.5	Қийма тўлдирилган зираворли макарон (хамир) маҳсулотлари (равиоли ва бошқа шунга ўхшаш озиқ-овқат маҳсулотлари).
63.	06.5	Бошқа макарон маҳсулотлари (ишлов берилган). Ушбу тоифа ишлов берилган (яъни, қиздирилган, қайнатилган, буғ билан ишланган, пиширилган, олдиндан желатинланган ёки музлатилган), ишлов берилгандан кейин қуритилган, дон ва сувдан тайёрланган хамирдан иборат бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олади. Уларга олдиндан желатинланган, истеъмолчига сотилишидан олдин қиздирилган ва қуритилган тез тайёрланадиган макарон маҳсулотлари киради.
64.	06.6	Клярлар (суюқ хамир). Ушбу тоифа булаш, булаш учун қоқ нон ва гўшт, балиқ, парранда гўшти, картошкали озиқ-овқатлар ва шунга ўхшаш маҳсулотларни қоплаш учун ишлатиладиган хамирни ўз ичига олади.
65.	06.7	Олдиндан тайёрланган ёки қайта ишланган ёрмалар. Бу тоифага тайёрланган ва қайта ишланган гуруч маҳсулотлари, жумладан гуручли кулчалар (фақат шарқона турдаги) ва тез тайёрланадиган гуруч, польента ва Семмелкноделтеиг каби олдиндан қайнатиб олинган бошқа донлар киради.
66.	07	Нон маҳсулотлари ва қандолат ун маҳсулотлари. Бу тоифа асосан дон ёки гўлла унидан тайёрланадиган ва қайта ишланган, масалан, тобланган, буғда пиширилган, экструзия қилинган озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олади. Ҳар бирига тайёр хамирни киритиш мумкин бўлган 7.1 ва 7.2 тоифаларини ўз ичига олади.
67.	07.1	Нон ва булочкалар. Бу тоифа барча оддий нон маҳсулотларини ўз ичига олади: нон (масалан, буғдой нони, жавдар нони, бутун донли нон, кўп донли нон, солод нони, пумперникелли нон), булочкалар (гамбургер учун булочкалар, бутун буғдойли булочкалар, сутли булочкалар), шохчалар, лаваш, Мексика кулчалари ва буғланган карсиллама нон. Бу тоифага нон асосидаги озиқ-овқатлар, масалан, қовурилган нон, нонли тўлдирмалар, тайёр хамир (6.6-тоифада қамраб олинган булаш ва хамир бундан мустасно) киради.
68.	07.1.1	Фақат қуйидаги масаллиқлардан тайёрланган нон: буғдой уни, ичимлик суви, хамиртуруш ёки ачитқи, туз
69.	07.1.2	Француз нони «Pain courant français» — бу асосан қуйидаги масаллиқлардан тайёрланадиган нон: нон пишириш учун уни (буғдой уни, жавдар уни, меслин уни), ичимлик суви, хамиртуруш ва (ёки) ачитқи, туз. Бошқа озиқ-овқат масаллиқлари технологик мақсадларда қўшилиши мумкин. «Feher kenyerek» — хамиртуруш ёки хамиртуруш ўрнини босувчи модда солинган 100% буғдой унидан иборат бўлган, хамирни ёпиш, шакл бериш, ошириш ва пишириш йўли билан тайёрланган оқ нон. «Felbarna kenyerek» — хамиртуруш ёки хамиртуруш ўрнини босувчи модда солинган 85% ярим оқ буғдой, уни 15% енгил жавдар унидан иборат бўлган, хамир қориш, шакл бериш, ошириш ва пишириш йўли билан тайёрланадиган ярим оқ нон.

70.	07.2	Унли қандолат ун маҳсулотлари ва нафис нон маҳсулотлари (fine bakery wares). Ушбу тоифа печене, пирожное, кекс, пончик, бисквит, макарон (яъни, тухум оқидан қилинадиган думалоқ маҳсулотлар), қоқ нон, донли батонча, пирог, булочка, кулча, вафли, торт, куймоқ, пряник, эклер, круассан каби ширин, шўр ва хуштаъм озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек крекерлар, карсиллама нон ва нон ўрнини босувчи маҳсулотлар, шу жумладан тайёр хамир*, уни тайёрлаш учун аралашмалар*). Буларга бисквитли тортлар, эссоблатен ва вафлили қоғозлари, ейишли қоғозларни ўз ичига олади («ейишли қоғоз» қоғозга эмас, балки бозорда «ейишли қоғоз» номи остида жойлаштирилган ва қуритилган крахмал баргларида таркиб топган ёки ҳар хил қалинликдаги ёки қуюқликдаги ва шундай сифатда истеъмол қилинадиган гуруч ёки картошка крахмалидан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотларига тааллуқлидир). Ушбу тоифада крекер — қуруқ печене (дон унига асосланган пиширик), масалан, содали крекерлар, жавдар чипслари, маца мавжуд. Қандолат нон маҳсулотлари учун безак, қоплама ва тўлдирма материаллари (fine bakery wares) безак, қоплама ва тўлдирмаларнинг табиати асосида тегишли тоифа, масалан, 04.2.5, 05.4 тоифалари билан қамраб олинади.
71.	08	Гўшт Ушбу тоифага барча турдаги гўшт, парранда ва ёввойи қуш гўшtlари киради. Ушбу тоифа гўшт учун субмаҳсулотлар, қобиқ ва буламаларни ҳам ўз ичига олади.
72.	08.1	Қайта ишланмаган гўшт. Ушбу тоифага қайта ишланмаган хом гўшт, парранда ва ёввойи қушлар гўшти, кепак ва қийма киради. Мисоллар: мол гўшти ва чўчқа гўшти нимтаси, янги қони, янги бутун товуқлар ва товуқ қисмлари, янги бўлақлар, масалан, мол гўшти, чўчқа гўшти, совлиқ ёки қўй гўшти, стейклар, мол органлари (масалан, юрак, буйрак, ичаклар), чўчқа тили ва чўчқа қисмлари).
